

**O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi
Qarshi Davlat universiteti
Biologiya kafedrasи**

**Ubaydullayev Otobek Xayrullo o'g'li
«5140100-Biologiya» ta'lim yo'naliishi bo'yicha bakalavr
darajasini olish uchun**

**“Oltinko'z g'o'za zararkunandalari entomofagi va ularni qo'llash
usullari” mavzusida yozgan**

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Ilmiy rahbar: _____ doston J.Berdiev

«*Himoyaga tavsiya etilsin*»
Tabiiy fanlar fakulteti dekani
_____ dots.B.Boysunov
_____ 2018 yil

Qarshi-2018

Kirish

I-боб. O’simliklarni zararkunandalardan ximoya qilishning zamonaviy tadbirlari.

1.1 Ўсимликлар карантини ва бу соҳада халқаро битимларнинг аҳамияти.

1.2 Замонавий ташкилий-хўжалик агротехник ва олдини олиш тадбирларини қўллаш.

II-bob. Oltinko’z (*shrysopidae*) oilasi haqida umumiy ma’lumot.

2.1 Олтинкузни купайтириш технологиялари

2.2 Олтинкузни гуза ва бошқа экинларни химоялаш учун амалий ишлатиш

2.3 Biolaboratoriyalarda mahsulot ishlab chiqarish va ularni dalalarga tarqatish kalendar rejasi

III-bob Zararkunandalarga qarshi turli hil hasharot tutqichlarini qo’llash.

3.1 Zararkunandalarga qarshi qo’llaniladigan hasharot tutqichlarining turlari

Xulosa

Foydalanilgan adabiyotlar

КИРИШ.

Үсімликларни зааркунандалардан ұмоя қилишга қаратилған тадбирларға шу әқинларни күпгина касаллық ва бегона ўтлардан сақлашға доир тадбирлардан ажратған ҳолда ёндашиб бўлмайди. Ҳозирги вақтда үсімликларни ұмоя қилиш уйғунлашган тизим асосида олиб борилади. Бу тизим (УХҚТ) бир катор тадбирлар (усуллар) йигиндинини ўтказишни назарда тутади. Уларни: үсімлик карантины, ташкилий-хужалик, олдини олиш тадбирлари, агротехник, биологик, кимёвий, механик ва физикавий ҳамда селекция усулларига ажратиш мумкин. Эқинларни зааркунанда, касаллық ва бегона ўтлардан муваффақиятли равишда сақламоқ учун мазкур тадбирлар муайян мақсадга қаратилған ҳолда мунтазам амалга оширилиши лозим.

Ғўза ва бошқа эқинларни УХҚТ орқали ұмоя қилишда биологик усулнинг аҳамияти салмоқлидир. Бу йўлда усулнинг моҳияти биомаҳсулотни лаборатория ва биофабрикаларда кўпайтириш, маҳсулотни (трихограмма, бракон, олтинқўз) стандарт талабларига жавоб беришини таъминлаш каби омилларга боғлиқдир. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 2006-йил 19-декабр 03-26-211-сонли йиғилиш баёни топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлик “Биосифат” лабораторияси олдига бирқатор янги вазифалар қўйди (2007 й., 22 январ, 1-сонли буйруқ). Бу вазифалар орасида биолабораторияларни лицензиялаш ва биомаҳсулотларни сифат кўрсаткичларини аниклаб сертификатлаштириш киритилган.

Ishning dolzarbligi: Уйғунлашган ұмоя қилиш тизимида биологик усулниң тутган ўрни. Кенг ташвиқотларга сазовор бўлган, ғўза ва бошқа эқинларни биологик воситалар ёрдамида ұмоя қилиш усули, сўзсиз катта истиқболга эга. Ҳозирда республикамизда bir chiziqga айлантирганда 10 млн гектар дан ортиқ майдонда biologik усул ишлатилмокда.

Бизларда биоусулни кенг ишлатиш, уни асосан кўсак Куртига қарши ишлатиш билан боғлиқцир. Трихограмма oltinko'z ва бракон бу шундай кушандаларки, уларни асосан ғўза ва кисман кузги тунламларга қарши ишлатилади. Бунинг сабаби шундаки, бошқа, экваторга яқинроқ жойлашган ғўза эгадиган далалардан фарқ қилган ҳолда, бизда бу экинни атиги бир hasharot (ғўза тунлами) шикастлашидир. Шунинг учун ҳам биологик усул яхши самара бериши мумкин. Лекин биологик усулнинг қобилияти чексиз эмас; у кўпгина омилларга боғлик булиб колаверади. Кўпинча, энг мақбул шароитларда ҳам биологик усул 40-50%дан юқори самара бераолмайди. Мисол тариқасида 2006-йил мавсумини келтириш мумкин. Шу йили, биоусулни Фаргона водийси вилоятлари шароитида энг яхши ташкилланиши ва ишлатилишига қарамай, бирортаси пахта етиштириш режаларини бажаролмай қолди. Сабаби ғўзани кўсак қуртидан катта талофот кўрганидадир. Демак, фақат eski биоусулга таяниш адолатдан эмас. Ёрдамга кўпроқ самарага эга усуллар келади

Ishning dolzarbligi shundaki Юқоридагиларни мужассамлантирган ҳолда энтомологлар қўлида бундан ташқари юқори самарали ва камзахарли восита ва усуллар ишлаб чикиш, агротоксикологик тадқиқотларни олиб бориш, entomofaglarni laboratoriyada ko'paytirishning yangi va samarali usullarini ishlab chiqishdan iborat.

Ishning maqsadi va vazifalari. Bitiruv malakaviy ishimizning maqsadi o'simlik zarakunandalariga qarshi qo'llaniluvchi entomofag hasharot turlari orasida eng ahamiyatli bo'lgan oltinko'zni o'rganib uni biolaboratoriyalarda ko'paytirish va dalalarga tarqatishning samarali usullarini ishlab chiqishdan iborat. Мақсадга мувофиқ қўйидаги вазифалар белгилаб олинди.

1 O'simliklarni zararkunandalardan ximoya qilishning zamonaviy tadbirlarini ishlab chiqishda oltinko'zni ko'paytirishning usullarini o'rganish.

2. Oltinko'z (*shrysopidae*) oilasiga mansub umumiy turlar haqida to'liq ma'lumot to'plash.

3 Zararkunandalarga qarshi turli xil hasharot tutqichlarini sinovdan o'tkazish.

Bitiruv malakaviy ishimizning maqsadi o'simlik zarakunandalariga qarshi qo'llaniluvchi entomofag hasharot turlari orasida eng ahamiyatli bo'lgan oltinko'zni o'rganib uni biolaboratoriyalarda ko'paytirish va dalalarga tarqatishning samarali usullarini ishlab chiqishdan iborat. Бундан мақсад – етиштириладиган ҳосили ҳимоя қилишда агробиоценозлардаги заарли ва фойдали турларнинг бузилган нисбатини тиклаш, яъни ўсимликни уйғунлаштириш (интеграциялаш деганда лотинчасига интеграл тиклаш, тўлдириш тушунилади) йўли билан ҳимоя қилиш, яъни ўсимликлар бардошлилигини оширишга қаратилган қулай шароит яратилиб, зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларнинг ривожланишига тўсиқлик қиласидиган шароит вужудга келтириш, шунингдек карантин қилинадиган объектларнинг четдан келиб қолишига йўл қўймаслиқdir.

Yuqorida qayd etilgan maqsadlarni amalga oshirish uchun quyidagi ishlar rejalashtirildi va bajarildi:

Qashqadaryo viloyati o'simliklarni himoya qilish markazi markaziy biolaboratoriysi tarkibidagi “Oltinko'z” biolaboratoriysi bilan hamkorlikda oltinko'z laboratoriyada ko'paytirildi

Oltinko'zni ko'paytirishning yangi usulari rejasi tuzildi va bajarildi.

Yitishtirilgan oltinko'zni g'oza va boshqa ekinlarni himoyalash uchun amaliy ishlatildi.

Qo'llanilgan oltinko'zning sifat ko'rsatkichlari aniqlandi.

Olingan natijalar taqqoslanib xulosa chiqarildi.

Ishning ilmiy yangiligi: Bitiruv malakaviy ishning ilmiy yangiligi shundan iboratki: oldinlari oltinko'zni dalaga tarqatishda uning imogalaridan foydalanilgan bo'lib bugungi kunda ularni tarqatishda lichinkalaridan foydalanilayotganidan kelib chiqqan holda oltinko'z lichinkalarini tarqatishning yangi, samarali texnologiyasi ishlab chiqildi

Ўсимликларни зааркунанда ва касалликлардан уйғунлаштирилган усулда сақлашнинг муқаддам ҳимоялаш тадбирларидан фарқ қиласидиган асл

янгилик томони шундаки, М.Н.нарзикулов, Ф.М.Успенский, Г.А.Викторов (1979) ва бошқаларнинг таъкидлашича, масалага биоценотик йўл билан ёндашилиб, ўсимликларни ҳимоялаш ҳал қилингандан фақат жиддий заар етказадиган айрим турларгина ҳисобга олинмай, балки ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган мавжудотлар уларнинг микдорига жиддий таъсир этишини ҳам эътиборга олинади.

Bitiruv malakaviy ishning ilmiy ahamiyati Ушбу ишда ўсимликларни уйғунлашган тизимда ҳимоя қилиш ва биологик усульнинг моҳияти, биомаҳсулотни ишлаб чиқиш, унинг сифат ва самара қўрсаткичларини қандай аниқлаш ва яхшилаш кераклиги ифодаланганд. Биоусул самарадорлигини оширишда феромон тутқичлардан фойдаланишнинг аҳамияти ҳамда пестицид ишла-тилган пайкалларга биомаҳсулотни безарар тарқатиш муддатлари белгилаб берилган.

Bitiruv malakaviy ishdan қишлоқ хўжалик ва ихтисослашган мутахассислари, биолаборатория ва биофабрика ходимлари, фермер ва маҳсус ўқув юрти талабалари foydalanishi mumkin.

Bitiruv malaka ishini yozishda Абасов М.М., Атаиов Н.М., Ковалёв Б.Г. и др. Применение феромонов в практике оперативного контроля фитосанитарного состояния подкарантинных объектов Ж. Защита и карантин растений. - Москва, 2013, Sh.T. Xo'jayev "O'simliklarni uyg'unlashgan himoya qilish tizimi va uning tarkibidagi biologik usulning tuzilishi va mohiyati" Toshkent 2013y, X.X Kimsanboyev "Biolaboratoriyalarda entomofaglarni ko'paytirish" Toshkent: O'qituvchi nashriyoti 2000y kitoblaridan va bir qancha adabiyotlardan foydalanildi

I-боб. Ўсимликларнинг зааркундалардан химоя қилишнинг замонавий тадбирлари

1.1. Ўсимликлар карантини ва бу соҳада халқаро битимларнинг аҳамияти.

Ўсимликлар карантини ўсимликларни ҳимоя қилишнинг муайян усули ҳисобланади. Бу усул давлат тасаррувфига эгабўлиб, асосан ички қисмдан иборат. Биринчидан, бу тадбирлар чет мамлакатлардан хавфли қишлоқ хўжалик зааркундалари олиб кириши мумкин бўлган барча имкониятларга тўсиқ туғдириш бўлса (ташқи карантин) Ўзбекистонда бўлмаган зааркунанда касаллик чақирувчи микроорганизмлар ва бегона ўтлар ташқи карантин объектлари ҳисобланади. Карантин чораларини кўриш мамлакатлараро тинмай амалга оширилаётган савдо-сотиқ муносабатларига кўра муҳим аҳамиятга эгадир.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, карантин мамлакатлараро одамлар мигратиаси ҳамда ҳашаротлар ўтишига давлат чегараси остоналарига тўсқинлик қилиб бўлмайдиган омилларга ҳам боғлиқдир. Жумладан,

ҳашаротлар сув ва ҳаво йўналиш билан ҳам бир қайтадан ёки давлат чегараларидан иккинчи қитъа ёки давлатга ўтиб кетиши мумкин.

Янги жойга тушган ҳашарот муҳит шароитларига кўнига олмасдан қирилиб кетиши ҳам мумкин, лекин мослашиб ривожланиб кетганлари ҳам кам эмас.

Масалан, АҚШдаги деряли асосий зааркунандаларнинг ярми ўзга мамлакатлардан, шу жумладан Европадан келган. Булар қаторига олма меваҳўри, маккажухори парвонаси, картошка нематодаси (Европадан), Австралия тарновсимон қурти (Австралиядан) япон қўнғизи (Япониядан) ва бошқалар киради. 1954 йилда АҚШда омбор маҳсулотларининг кучли зааркунандаси бўлган барг қўнғизи аниқланган. Шу билан бирга анчагина зааркунандалар Америка қитъасидан Европага ўтиб қолган. Булар жумласига ток филлоксираси, картошка колорадо қўнғизи ва америка оқ капалаги мисол бўла олади.

Ўзбекистонда ташкил этилган карантин хизматига кўра, мамлакатимизга кўпгина қишлоқ хўжалик экинларининг ва омбор маҳсулотлари айрим зааркунандаларининг ўтишига тўсқинлик қилинган. Булар жумласига ғўза куяси, барг қўнғизи ва бошқалар киради. Давлат карантин инспекцияси ватанимиздаги барча ўсимликлар карантин билан боғлиқ бўлган ишлар устидан назоратни амалга оширилади.

У республика ва вилоятлар карантин инспекциялари, шаҳар, туманлараро ва туман таянч карантин инспекцияларининг ишини бошқаради. Ўзбекистонда ўсимликлар карантин бўйича илмий-тадқиқот ва услбуий марказ ташкил этилган бўлиб, унда Марказий илмий-тадқиқотлабораторияси фаолият юритилади.

Карантин обьектлар ва бошқа хавфли зааркунандалар турли касалликларни чиқарувчи микроорганизмлар ҳамда бегона ўтларга қарши курашда факат мамлакатларнинг ҳамжиҳатлигини муваффақиятли натижга бериши мумкин. Шундай шартномалар халқаро уюшмалар ва қўшни

мамлакатлар орасида тузилган. Шундай шартномалар халқаро уюшмалар ва қўшни мамлакатлар орасига тузилган.

Карантин ўз моҳияти бўйича ташқи ва ички бўлиши мумкин. Ташқи карантин вазифасига, биринчидан Ўзбекистонда бўлмаган зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларни ватанимизга ўтишининг олдини олиш кирса, иккинчидан, ўз навбатида ўзга мамлакатларга экмпорт қилинаётган маҳсулотга зааркунандалар бўлмаслигини таъминлашдир.

Ташқи карантин обьектлари асосан ўсимлик ва чорва маҳсулотларига тарқалади (тупроқ намуналари, тирик ўсимлик ва замбуруғлар, бактерия, вирус, нематода, ўргимчаккан ва ҳашарот). Ўзбекистонга маҳсулотларни ўзга мамлакатлардан ўtkазиш фақатгина республика давлат карантин инспекцияси томонидан бериладиган республика давлат карантин инспекцияси томонидан бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади ва рухсатнома ўзбекистон чегарасида жойлашган божхона таянч пунктларида маҳсус текширувдан кейингина берилиши мумкин. Карантин текширувидан барча республикада киритиладиган автотранспорт, темир йўл вагонлари ва самалётлар, шунингдек хориждан келаётган пассажирлар ва уларнинг юки ўтказилади.

Карантин инспекцияларининг хориж билан боғлиқ бўлган марказий чегара ўтказиш пунктларида марказлаштирилган фумигатция қилиш анжомлари ва отряди бўлиб, четдан олиб келинаётган маҳсулотлар зарарланганлиги аниқланса, шартли равишда фумигатция йўли билан зарарсизлантирилади. Хориж уруғлик маҳсулоти ва ўтказиш учун мўлжалланган кўсатларида бўлиши мумкин бўлган карантин обьектларини аниқлаш учун маҳсус карантин питомниклар ва иссиқхоналар мавжуддир. Маҳсулот бу ерларда хавфсиз эканлиги аниқланганидан сўнггина ўтказилиши мумкин.

Текширилган маҳсулотлар карантин ва бошқа хавфли обьектлар билан зарарланганлиги аниқланса ва бундай обьектлардан маҳсулотни самарали

тозалаш имконияти бўлмаса, бундай маҳсулот биринчи 3-5 кун ичida экспорт қилган мамлакатда қайтарилади ёки йўқ қилиб ташланади.

Ички карантин тадбирлари ватанимиз минтақасида аниқланган карантин обьект уяси янада кенгайишига йўл қўймасликҳамда бу уяни тезда қириб йўқ қўймаслик ҳамда бу уяни тезда қириб йўқ қилиш тадбирларини амалга оширилиши кўздатутади. (масалан, колорадо қўнғизи, қовун пашласи, тут парвонаси, зарпечаклар ва бошқалар).

Агротехника тадбирлари.

Ўсимлик зааркунандалари, касалликлари ҳамда бегона ўтларга қарши кураш юзасидан ўтказиладиган агротехника тадбирлари асосан огоҳлантирувчи чоралардир. Бу тадбирлар биринчидан, далаларни хавфхатар туғдирадиган миқдорда заарли организмлар пайдо бўлишидан асрайди, иккинчидан ўсимликларнинг заарланишига бардошлилигини оширади, зааркунанда ва касалликлар хуруж қилишига, шунингдек, ҳимоя тадбирларининг самадорлигини оширади.

Ўсимликларни турли касаллик ҳамда зааркунандалардан сақлашга доир агротехник а тадбирлари ўсимлик ўстириш агротехникасининг умумий қоидаларига зид келмайди, балки умумий агрономия чораларининг бир қисмини ташкил қиласи. Агротехника тадбирлари заарли организмларнинг кўпайиш хусусиятлари тўғрисидаги билимга асосланган бўлиб, энг самарали фурсатларни назарда тутади. Масалан, кузги шудгор ғўза тунламиининг ердаги инларини бузиб, капалак учиб чиқишининг олдини олади. Агротехник тадбирлар турли усувлардан ташкил топади.

Алмашлаб экиш. Фаол равишда ғўза-беда маккажухори ёки оқжухори ҳамда оралиқ экин экилган далалар биргаликда юксак даражада умумагрономия самарасини беришидан ташқари, ғўзани зааркунанда касаллик, жумладан вилт билан заарланишини кескин камайтиришга имкон беради. Республикаизда ва айниқса, буғдойнинг ғўза ичига экилиши, юқорида қайд қилинган ижобий натижаларни бирмунча пасайтиради.

Тупроққа ўз вақтида пухта ишлов бериш соғлом ва чидамли ўсимлик оширишнинг жуда зарур шартларидандир. Ер шўрини ювиш, далаларни текислаш, кузги шудгор қилиш қатор ораларини ишлаш, ўсимликларни ҳимоя қилишда аҳамияти катта бўлган муҳим усуллардан ҳисобланади.

Ер шўрини ювиш учун куз-қиши ойларида кўлоблатиб яхоб берилганда тупроқнинг шўри йўқолади, нам кўп тўпланади, зааркунанда ва касалликларга чидамли соғлом ниҳол текис кўкаради. Бундан ташқари тупроқдаги ҳашарот ва бегона ўтларнинг кўп қисми қирилади. Далаларни текислаш натижасида ниҳолларнинг бир текис ва қийғос униши учун қулай шароит яратилади, зааркунанда ҳамда касаллик тўпланадиган жойлар бўлмайди. Ерни асосланган муддатларда чимқирқарли ёки қўш ярусли плугда 30 см чуқурликда (ўт кўп босган далаларни эса 32-35 см чуқурликда) ағдариб шудгорлаш зааркунанда ва бегона ўт уруғлари, касаллик қўзгатувчиларни кучли йуқотувчи чорадир. Бунда бегона ўт илдиз пояларини тараб олиш учун ҳам шароит яратилади.

Уруғликни тайёрлаш ва уни экиш муддатлари. Экин экишда юқори окндицияли, фақат туманлаштирилган навлардан ҳамда турли касалликларга қарши ишлов берилган уруғлардан фойдаланиш лозим. Илдиз кемирувчи тунламлар ва сўрувчи зааркунандалар, шунингдек касалликларга бардошли соғлом, текис ўсган ниҳолларни ундириб олиш учун экишни энг мўътадил муддатларда ўтказиш зарур.

Чидамли навларни яратиш. Бу йўналиш селекция усулиҳам деб юритилади. (И.Ф.Павлов, 1983). Ўсимликлар чидамлилиги деб унинг заарланишга қарши бардошлилигига айтилади. И.Д.Шапиронинг (1979) кўрсатишича, ўсимликларда уч хил чидамлик қузатилади.

1. Ўсимликлар айрим турлари ёки навларининг маълум ҳашаротлар билан мутлақо шикастланмаслиги .

2. Ўсимлиқда зааркунанда мавжудлигига қарамай, унинг мутлақо шикастланмаслиги ёки қисман шикастланиши. Бунга сабаб антибиоз-озуқани ҳашарот ёқтирмаслиги.

3. Ўсимликнинг юқори даражада бардошлилиги сабабли, унга етказилган шикастга қарамай, уривожланиб қимматли ва аҳамиятли ҳосил бериши (толерантлик)

Бунга Россияда кунгабоқарнинг парвонага қарши чидамли (панцирли) нави яратилганлиги мисол бўла олади.

Ўсимликларни ўғитлаш усулларни ҳимоя қилиш жиҳатидан икки ҳил аҳамиятга эга: ўсимлик дастлабки ривожланиш фазасида ўғит (айниқса азотли) солиш натижасида у тез, соғлом ўсиши билан бирга заарланишдан бирмунча сақланиб қолади. Фосфорли ўғит таъсирида эса ҳужайра ширасининг осмотик босими қўтарилиб ҳамда тўқима зичлиги ошиб, айрим зааркунандаларнинг (ўргимчаккан, шир) ривожланиши пасаяди. Калийли ўғитлар ўсимликларни касалликларга нисбатан бардошли қиласади.

Зааркунандаларни йўқотишида суғориш муддатлари юқори аҳамиятга эга. Тупроқда намликтин ошиши бўғримоёқлиларнинг баъзи турларида, жумладан тунлам қуртларида, эпизоотик касалликларни вужудга келтиради. Тунламлар тупроқда ғумбакланаётган муддатларда суғорилса, улар кўплаб қирилади. Илдизкесар тунламларнинг қуртлари шикастлаётган пайтда суғорилганда эса, ўзлари учун айни ноқулай пайтда ёруғликка чиқишига мажбур бўлишади, натижада уларни қушлар чўқиб йўқотади, энтомофаглар ҳам шикастлайди.

Дефолиация ва десикация ўтказиш йўли билан пахта йигим-теримига, ҳосилни машиналарда йиғиширишга киришилади. Бу тадбир айни вақтда қишлишга кетаётган заарли организмлар сонини камайтиришда муайян аҳамият касб этади. Ҳозир хўжаликларда ишлатилаётган дефолиантлар ўргимчаккан, ўсимлик ширалари, оққанот, қандала, ғўза тунлами ва бошқаларни анча камайтириши мумкин.

Кўпгина ўзбекистон олимларининг тадқиқотларини мальум бўлишича, дефолиантларга аралаштириб ёки алоҳида сарфи ярмига камайтирилган

ҳолда инсектицидларни ишлатиш натижасида қишлиб қолган зааркундаларнинг бир қисми қиши давомида қирилиб кетади.

Хосил йигиб-териб олинганидан кейин ғўзапоя ва бошқа ўсимлик қолдиқларини йигишириб даладан олиб чиқиб ташлаш бажарилиши зарур тадбир бўлиб, у зааркундалар ва турли касалликларни камайтиради.

Олдини олиш тадбирлари. Бундай ишловларнинг аҳамияти назарий ва амалий тасдиқланган бўлиб, ўсимликларни ҳимоя қилишда кенг ишлатилиб келинади. Ҳар қандай экинни зааркунданда ва касалликлар билан шикастланишининг олдини олиш мумкин.

Масалан, ғўза ниҳоллари илдиз чириш ҳамда гоммоз билан касалланмаслиги учун, унинг чигитини экишдан олдин маҳсус фунгицидлар (витавакс, п-4, пахта, паноктин) ҳамда бактерицид-бронотак билан упалаб экиласди. Бинобарин, баҳорда (май ойининг охирида, уватлардаги тут дараҳтлари ҳамда бегога ўтлар кенг таъсир этувчи (ципервос, фозалон, каратэ, талстар) инсеткицидлар-акарицидлар билан ОВХ трактор пуркагичи ёрдамида ишланса, атрофидаги ғўза ёки бошқа экин шира, ўргимчаккан, трипс каби заруркундалар билан камроқ шикастланиши мумкин.

Ғалла экилган майдонлар атрофидаги уватларни заарли хасванинг қишлиб чиқкан бўғинига қарши (агарда маҳсус назоратлар билан тасдиқланган бўлса) мартнинг ярмида кимёвий ишлов бериш ҳам бу зааркунданда тарқаб кетишининг олдини олади. Мева дараҳтларини калмараз, антракноз, клястероспориоз ва бошқа касалликлар билан шикастланишининг олдини олиш мақсадида уларга ноябрь ёкти февральда (куртак уйғоммасдан олдин) бирор фунгицид билан (мис қупораси (1%) темир купароси (2-3%) ёки бордо суюқлиги (3-4%) ишлов бериш яхши натижа беради.

II-bob. Oltinko'z (*shrysopidae*) oilasi haqida umumiy ma'lumot.

Зааркунандаларга қарши курашнинг биологик усули заарли организмларнинг табиий кушандаларидан ҳамда микробиологик препаратлардан фойдаланишга асосланган. Бўғимоёқлиларнинг табиий кушандалари озиқланиш хусусияти жиҳатидан энтомофаглар (ҳашаротлар билан озиқланувчи) ёки акарифагларга (каналар билан озиқланувчи) бўлинади.

Биологик усул амалда бирор зааркунанда кўпайиб кетиш хавфи бўлган жойларда муайян ҳашарот ва каналарнинг кушандаларини сунъий равища урчитиб тарқатиш йўли билан амалга оширилади. Энтомофаглардан кенг кўламда фойдаланишнинг 2 усули мавжуд: биринчиси – энтомофанларнинг маҳаллий турларини топиб, уларни самаравали ишлатиш, иккинчиси – тажавузкор турларини четдан келтириб (интродукция) маҳаллий шароитга мослаштиришdir.

Зааркунандаларнинг кушандалари паразитлик (текинхўрлик) ёки йиртқичлик қилиши мумкин. Паразитлари ички (эндо)яъни ўлжасининг

ичида ривожланадиган (трихограмма, апантелес ва б) ҳамда ташқи (экзо), яъни личинкалари ўлжасининг ташқарисида озиқланиб вояга етадиган бўлиши мумкин. (айрим браконидлар). Йиртқичлик қиладиган энтофагларнинг (олтинкўз, кокцинеллидлар, арилар ва б) паразитлардан фарқи шундаки, булар ўлжани секин-аста эмас, балки зудлик билан ўлдиради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, паразит ва йиртқичларнинг маҳаллий турларини лаборатория шароитида (биофабрикаларда) урчитиб кўпайтириш ва зарапкунанда тушган далаларга қўйиб юбориш (тарқатиш) йўли билан зарарли ҳашарот ва каналарнинг зичлигини хўжалик учун безарар даражада ушлаб туриш имконияти яратилади. Ўзбекистон биолабораторияларида асосан 3 та объект-кушандада: трихограмма, бракон ва олиинкўз кўпайтирилади. Трихограмма – тунлам тухумларига қарши, бракон – ҳаммахўр йиртқич кушандада сифатида сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларига қарши ишлатилади.

Олтинкўзлар тўрқанотлилар (*Neuroptera*) туркумига, олтинкўз (*Chrysopidae*) оиласига мансуб ҳашаротлардир. Бу оиласига мансуб ҳашаротлар Европа, Осиё, Африка ва Америкада кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда ўрта Осиёда унинг 24, Озарбойжонда 33, Қозоғистонда 15 тури аниқланган. Ўзбекистон шароитларида олтинкўзларнинг тур таркиби ҳамда энг кўп тарқалган ва истиқболли турларининг баъзи биоэколологик хусусиятларини А.К.Мансуров, Ф.М.Успенский, О.Ш.Юзбашъян ва бошқалар ўрганишган. Улар олтинкўзларнинг қарийб 11 турини аниқлашган. Бу олтинкўзлар табиий биоценозлардагина эмас, балки ҳар хил экинларда ва дарахтларда ҳам учрайди.

Ўзбекистонда олтинкўзларнинг 20 та тури ан и клан ranбулиб, уларнинг орасида энг кенг тарқалган ва ахамиятлилари куйидаги 4-тасидир: *Chrysopacarnea* Steph., *Ch. septempunctata* Wesm., *Ch. albolineata* Kill, ва *Ch. dubitans* McLach. (Мансуров ва б., 1980).

Олтинкўзлар тилласимон оч яшил тусли жуда нозик ҳашаротлар ҳисобланади. Уларнинг анча кенг, садафсимон ёки камалаксимон товланадиган қанотлари ёйилганда 19 дан 55 мм гача етади. Мўйловлари туксимон, пешонаси ясси бўлади. Ёруғлик томон яхши учади. Эндиғина қўйилган тухумлари оч яшил тусли, кейин эса аста-секин қораяди. Урғочиси тухумларини ғўзанинг шохига, баргларига ёки шона тугунчаларига биттадан ёки тўп-тўп қилиб, нозик ипаксимон асосга қўяди. (расм)

Олтинкўз қуртининг танаси олд ва орқа томонидан ихчам бўлиб, тез югуришга ривожланган оёқлари ёрдам беради. Туси оч яшилдан оч сариқгача. Панжаларидаги тирноқлари ўртасида эмподиялари бор. Кўкрак ва қорин сегментларида тананинг ёnlарида учи илмоқли йирик туклар билан қопланган жуфт бўртиклари ривожланган. Личинканинг катта ялпоқ бошидаги узунчоқ, ўроқсимон эгилган юқори жағлари ўлжани тутиб олишга мослашган. Пастки жағлари юқорисига зичлашиб, ёпиқ най ҳосил қиласди.

Бу найча орқали юборилган маҳсус ҳазм қилиш шираси воситасида олдиндан эритилган ўлжа ички аъзолари ва тўқималари мазкур най орқали сўрилади. Личинканинг оғиз бўшлиғига парда тортилган. Озиқланиб бўлган учинчи ёшдаги қурт мальпиги найчалари маҳсули бўлмиш ипаксимон иплардан юмaloқ оқ пилла ўрайди.

Бир неча кун ўтгач, қурт охирги марта пўст ташлаб ғумбакка айланади. Очиқ типда тузилган ғумбак яшил тусли бўлади. Ривожланиш охирида ҳаракатчан бўлиб қолади, пилланинг юқори қисмини кемиради ва шу қисми қопқоқ сингари очилади. Ҳосил бўлган тешикдан ғумбак ташқарига чиқади ва қулай жойни танлаб, субстратга маҳкам ёпишиб олади ва туллайди, пировардида етук зот учиб чиқади. Олтинкўзнинг қуртларигина йиртқичлик қилиб ҳаёт қечиришади, улар ниҳоятда хўра бўлади, жойдан-жойга тез кўчиш ва аъло даражада излаш хусусиятларига эга. Жуда ҳаммахўр бўлиб, бўғимоёқлиларнинг 70 дан зиёд турлари билан, жумладан, каналарнинг 11 тури билан озиқланади.


Олтинкўзнинг ҳаёт кечириш даври қўйидагича кечади. У етук зот шаклида ва қисман пилла ичидағи ғумбак ҳолида тупроқ кесакларда, ўсимлик қолдиқлари остида, дараҳт ва бино ёриқлари кавакларида қишлиайди. О.Ю.Юзбашъяннинг маълумотларига бошқа иморатлар ичидан факат етук зот шаклида қишлиаб чиқади. Қишлиаб чиққан олтинкўзлар табиий шароитларда эрта баҳорда, март охири – апрель бошларида, ўртача бир кечакундузлик ҳарорат $10-11^{\circ}$ га етганда фаоллашади.

Қишлоудан чиққан ҳашаротлар бу вақтда гулли ўсимликларнинг гулchanги билан озиқланишади, жуфтлашади, сўнгра эса тухум қўйишга киришади. Тухумларни ўсимлик баргларининг юзаси ва ост томонларига ва бошқа жойларга биттадан ёки бир нечтадан тўп-тўп қилиб қўяди, улар ингичка пояча ҳолида субстратга илашади.

Кўпинча олтинкўз тухумларини шира жуда кўпайган жойларда, личинкалари учун озуқа осон топиладиган ерларга қўяди. Тухум қўйиш текис кечади. Битта урғочи кун давомида 65 тагача, бутун умри давомида эса 500-750 тагача тухум қўя олади. Эмбрионлик ривожланиш давомийлиги обҳаво шароитларига қараб 4 кундан 15 кунгача давом этади. Личинканинг тухумни ёриб чиқиши бир неча минутга чўзилади, шундан кейин улар бирмунча вақт қимирламай қолади. Териси қуриб қотгандан кейин личинка тухум банди бўйлаб пастга тушади ва зўр бериб озуқа қидира бошлайди.

Личинкалар (айниқса кичик ёшдагилари) жуда серҳаракат бўлади. Озиқланиш вақтида улар икки марта туллайди. Сўнгти туллаш пилла ичидан кечади. Личинкалик даврининг ривожланиш давомийлиги атроф-муҳит ҳароратига ва озуқа мавжудлигига қараб 7 кундан 21 кунгача давом этади. Биринчи ёшдаги личинкалар асосан ҳашаротларнинг тухумлари, ширалар ва каналар билан озиқланади. Иккинчи ва учинчи ёшдагилари кам харакат бўлади ҳамда йирикроқ ўлжалари афзал кўради ривожланиш даври давомида личинка 300 тагача шира, ўргимчаккана ва заарли тунламларнинг тухумларини ейди.

Катта ёшдаги личинкалари озиқланишни поёнига етказиб пилла ўрайди ва бевосита ўсимликларда, унинг турли пана жойларида ғумбакланади. Ғумбакланишга кириш даври 2 кундан 7 кунгача ғумбак даври эса 5 кундан 16 кунгача давом этади. Ғумбақдан очиб чиққан етук ҳашарот 5-7 кун озиқланади ва қидириб топиб тухум қўя бошлайди.



14-расм. 1-Олтинкуз шакллари: а - личинкаси; б-тухумларини жойланиши; в-юмалок пилладан очиб чикаётган зот; г-етук зоти; 2-олтинқузнинг катта ёшдаги личинкаси кусак қуртига хужум килмоқда

Улар куннинг кечки ва эрталабки соатларида жуда фаол бўлади. Урғочилари бутун ҳаёти давомида (бирмунча вақт оралатиб) тухум қўяди. Олтинқўзнинг етук зоти табиий шароитда гиёҳ ширалари, гулли ўсимликларнинг гулчанглари ҳамда барг, мева ва бошқаларнинг суюқликлари билан озиқланади.

Ўзбекистон шароитида олтинқўзларнинг асосий турлари 4-5 бўғун бериб кўпаяди. Табиатда олтинқўзнинг бўғин бериш микдори иқлим шароитларига ҳамда атрофдаги ўсимликларда бўғимоёқли жониворларнинг зичлигига боғлиқ бўлади. Масалан, олтинқўз бир бўғунининг ривожланиш ҳароратга ($19-21^{\circ}$ дан $35-37^{\circ}$ гача) ва ҳаво намлигига қараб 25 кундан 55 кунгача давом этиши мумкин. Ҳарорат $37-40^{\circ}$ С ва ҳавонинг нисбий намлиги 30-40% бўлганда бир бўғуннинг ривожланиши 15-19 кунда туталланади.

Оддий олтинкўз личинкаси ва хонқизи шираларнинг ҳар хил турлари ўргимчаккан, цикада, комсток қурти, токка тушадиган ун қурти, фитономус, беда қандаласи личинкалари, ғўза ва бошқа тунламларда ҳамда турлихил мевали дараҳтлар куяларининг тухум ва қуртлари билан озиқланиши мумкин. Етук олтинкўзлар ўз бўғунларини озуқа билан таъминлаш учун мавсум давомида турли экинларга кўчиб юришади.

Қурти учун етарли микдорда озуқа манбаи топилиши биланоқ урғочиси дарҳол тухум қўйишга киришади. Эрта баҳорда бедазорларга, арпа, буғдой экинларида, бугона ўтларда, тут, мева дараҳтларида кўплаб олтинкўзларни топиш мумкин. Ғўза ниҳолларида шира пайдо бўлаётган даврда улар шундай пайкалларга ўтиб обдон ривожланади. Кейинчалик улар бошқа экин майдонларига туша бошлайди.

Бироқ, уларнинг нуфузи турли маконларда турлича бўлиши мумкин. Улар мавсум давомида беда, ғўза экинларига ва мевали дараҳтларга энг кўп тушади. Масалан, ғўза майдонида май ўрталарида ҳар 100 туп ўсимликда 8-15 та етук зот, 20-25 та тухум, 2-5 та личинка, 1-2 та ғумбак учратиши мумкин.

Ғўза сугорила бошлагандага ҳамда асосий ўлжалар кўпайганда, олтинкўзларнинг етук зот ва личинкаларнинг хаёт фаолияти учун энг қулай шароит вужудга келади. Октябрь охири-ноябрь бошлартида табиатда олтинкўз кам учраши мумкин. Ана шу даврда қишлиб чиқадиган бўғуннинг етук зотлари пайдо бўлади. Уларнинг униши ноябрь охиригача, кузжуда илиқ келганда эса декабрь ўрталаригача давом этади.

Олтинкўзлар агробиоценозда муайян ўрин эгаллашига қарамай юқори ҳарорат, ҳаво нисбий намлигининг пастлиги, табиий кушандалар, ғўзани ҳар хил заарқунандалардан химоя қилишга қаратилган заҳарли кимёвий воситалар таъсирида уларнинг нуфузи ва фойдали фаолияти анча пасаяди. Шу боис шира, ўргимчаккан, ва бошқалар тушган майдонларга олтинкўзларни мавсумий чиқариш усули катта қизиқиш уйғотади.

Хозирги вақтда олтинкўзларни лабораторияларда табиий озуқаларда ҳамда сунъий озуқали мұхитларда оммавий тусда кўпайтириш усули тузиб чиқилган. Табиий озуқаларда кўпайтириш учун дон куяси капалагининг эндиғина қўйган ёки қизарган тухумларидан муваффақиятли фойдаланилади. Олтинкўзлар оммавий тусда кўпайтирилганда унинг ҳар бир ривожлантириш даври учун турли ўртача бир кеча-кундузлик ҳарорат ва ҳаво намлиги талаб этилишини ҳисобга олиш лозим.

Биринчи ёшдаги личинкалар учун 80% ҳаво намлиги билан уйғунлаштирилган 25^0 ҳарорат мақбул ҳисобланади. Гумбаклар бирмунча кам талабчан, бироқ улар ўша шароитларда энг кўп яшаб қолиши қайд этилган, бироқ улар ўша шароитларда энг кўп яшаб қолиши қайд этилган. Тухумлар, иккинчи ва учинчи ёшдаги қуртлар ҳамда ғумбаколди ҳолати ҳароратларнинг кенг диапазонида ($20\text{-}30^0$ - ҳарорат) ва намлиқда (50-80%) муваффақиятли ривожланаверади.

Етук зот ривожланиши учун юқори намлик (80%) ва мўътадил ҳарорат (20^0 атрофида) мақбул ҳисобланади. Ана шундай шароит мавжуд бўлганда ҳашаротнинг яшовчанлиги энг юқори даражада бўлади, узоқ (80-82 кун) умр кечиради ва энг кўп миқдорда (750 тагача) тухум қўяди.

Б.П.Адашкевичнинг маълумотларига кўра, олтинкўз тухумларининг ривожланиш давомийлиги ҳароратга қараб, 3 қундан 7 кунгacha боради. Личинка 15-28 кун, ғумбак эса 8-17 кун ривожланади. Етук зот бир ойгача яшайди. Бир бўғиннинг ўртача ривожланиш давомийлиги 52 кунни ташкил этади.

Табиатда олтинкўз анча нуфузли бўлади. Унинг етук зоти ҳар хил экинларга қўчиб юради. Озуқанинг мўл-кўллигига қараб гоҳ у гоҳ бу далада тўпланади. Муайян даладаги ширалар ёки канлар сонини камайтириш учун олдиндан лабораторияда кўпайтирилган олтинкўзларнинг қуртларини сунъий равишда тарқатиш керак.

Олтинкўзларнинг оммавий тусда урчиши усули кўпчилик давлатлар каби бизнинг мамлакатимизда ҳам тузиб чиқилган. У ҳозирча кўлда

күпайтириләяпти. Лекин амалда яратилган усулни ишлатишга мүлжалланган ишлатишга мүлжалланган биофабриканинг лойиҳаси ҳозирдаёқ тузиб чиқилган. Олтинкўз урчиши технологияси куйидаги тухумларни инкубация қилиш, личинка ва етук зотни тарбиялаш, тухум олиш ва уларни йиғишириш, биоматериални сақлаш. Субстратдан ажратилган олтинкўз тухумларини 25^0 ҳарорат ва 80 % нисбий ҳаво намлигида икки-уч кун тутилади.

Бундай шароитларда личинкалар 4-5 қунда очиб чиқади. Қурт чиқишидан бир кун олдин (яккалатиб ўстириш учун) тухумлар катакли садкаларга жойлаштирилади ёки яrim литрли шиша банкаларда гурухлаб ўстирилади. Олтинкўз қуртларига каннибализм (бир-бирини еб қўйиш) хосдир. Шунинг учун бу ҳашаротни күпайтиришда якка-якка қилиб маҳсус уяли садкаларда ўстириш ёки маълум қурбонлар билан гурухли ўстириш усули ишлатилиши қиммат бўлганлиги сабабли гурухли ўстиришни таърифлаб ўтамиз.

Олтинкўз қуртларини гурухли усулда ўстириш учун муайян қоидаларга риоя этиш талаб қилинади. Озуқани мўл-кўл қилиб бериш керак. Лабораториядаги шароит қуртлар учун ҳамиша оптимал бўлиши лозим. Ҳарорат $20-27^0$, ҳаво намлиги 50-70%. Қуртларни гурухлаб парваришлаш каннибализмдан тўлиқ ҳоли қила олмайди.

Шунинг учун уларни яrim литрли шиша банкага 50 тадан оширмай жойлаш шарт. Ҳар бир банкага 100-200 тагача ҳашарот жойлаштирилса, зичлик ошиши оқибатида қурт чиқиши 18-20% камаяди. Олтинкўзларни куртлик даврида тарқатиш кўзда тутилганда уни гурухлаб боқиши яхши самара беради.

Биолаборатория ва биофабрикаларда олтинкўзни оммавий тусда урчиши борасидаги муаммолардан бири –қуртларни озуқа билан таъминлаш масаласидир. Олтинкўзлар ҳозиргача дон куяси капалаги тухумларида ўстирилмоқда. Лекин нисбатан қиммат бўлса ҳам қуртларни озиқлантириш учун сунъий озуқа муҳитларининг бир нечта рецепторларга

яратилган. Бир ҳафта боқилгандан кейин уч-беш кун ўтгач личинкалар озиқланишдан тўхтаб, катакчаларда пилла ўрашга киришади. Пилла ҳосил бўлгандан кейин олти-етти кун ўтгачулғайган ҳашаротларни парваришлаш учун уларни садкаларга кўчирилади. Бунинг учун диаметри 30 см ва деворларининг баландлиги 10 см келадиган ичи бўш цилиндрдан иборат садкаларлардан фойдаланилади.

Садканинг туби майда тўрдан иборат бўлади. Садканинг тепаси қалин мато ёки қора қофоз билан ёпилади. Мато ёки қофоз, шунингдек капрон тўр ҳам винт билан қисиб қўйиладиган маҳсус халқалар ёрдамида цилиндрга маҳкамланади.

Улғайган ҳашаротларни озиқлантириш учун асал ва пиво ачитқиларининг 40 % ли автолизация фойдаланилади. Ҳаётининг дастлабки беш кунида ҳашаротлар фақат асал, сўнгра эса автолизат билан боқилади, улар садка деворларига навбат билан томизилади. Поролоннинг кичик бўлакчаларига автолизат шимдирш ҳам яхши. Автолизат тайёрлаш учун янги пиво ачитқиларини эмал кюветкаларга қўйиб, термостатда 50 ° ҳароратда икки кун тутилади. Тайёр бўлган автолизат соувтгичларда 5-8 ҳароратда кўпи билан 15 кун сақланади.

Олтинқўзнинг урғочилари қора мато ёки қофозга тухум қўяди. Ўткир юпқа пичноқ воситасида поячаларни кесиб, тухумлар йиғиширилади. 5 ° ҳарорат ва ҳавонинг 60-80% нисбий намлиги олтинқўз тухумларини сақлашнинг мақбул шароити ҳисобланади. Ана шундай шароит яратилса, бир-икки кунлик тухумлар 30-35 кунгача сақланади, шу билан бирга ҳаётий хусусиятлари пасаймаган қуртлар 70-80% чиқади.

Йиртқичнинг биринчи ёшдаги қуртларини 30-40 кун, иккинчи ва учинчи ёшдагиларини кўп билан 20 кун сақлаш мумкин. Гумбакларни бир ойгача сақлаш мумкин, лекин улардан очиб чиқсан ҳашаротларнинг пуштдорлиги яхши бўлмайди. Олтинқўзларнинг улғайган диапаузага кирадиган зотларини сақлаш жуда самаралидир. Фаол урғочилари диапаузага киритиш учун ёруғлик қуни 10 соатгача қисқартирилади. Қанотларининг ранги яшил ёки

салат рангидан оч пушти рангга ўзгариши ҳашарот диапаузага киришидан далолат беради.

Мамлакатимизда иссиқхоналардаги сабзавот, кўкат ва манзарали экинларга тушадиган шира, ўргимчаккана ва бошқаларга қарши кураш олиб боришда олтинкўзларни мавсумий чиқариш усулини муваффақиятли қўлашга доир ечимлар мавжуд. Очиқ майдондаги тажрибаларда бу усулнинг мукаррар ижобий натижалар бериши тасдиқланган.

Ҳозирги вақтда ғўзаннинг энг асосий заараркунандаларига қарши курашда олтинкўзларнинг самарадорлигини синаш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар поёнига етказилган. Бироқ бу йиртқични кўплаб урчитиш ишлари сермеҳнат ва қиммат бўлганлиги туфайли уни катта майдонларда қўллаш имкони бўлмай турибди. Даля шароитида ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, ширалар ва ўргимчаккана мажмууга қарши олтинкўз қўллашдан юксак самара олиш учун энтомофагнинг хўжайнинг нисбати 1:10 бўлганда 2-ёшдаги личинкаларини гектарига камида 150-200 мингта чиқариш зарур.

Шунда биологик самарадорлик 84,2 % га етади. Кўриниб турибдики, ҳозирда амалиётда ишлатилаётган усул далага олтинкўзнинг тухум ёки етук зотини ҳамда оз миқдорда (500-1000 дона/га) тарқатиш, кутилган самарани бермайди.

Асосий сабаблари: биринчидан тухум ҳали курт (личинка эмас). Даля тарқатилган тухумнинг кўп қисми чумолилар томонидан ташиб кетилади. (кузатишимизга қараганда, май ойида ғўза экилган майдоннинг ҳар m^2 да 12 тадан 224 тагача турли хил чумолилар изғиб юрганини кўриш мумкин).

Иккинчидан етарли самара берадиган сарфлаш мъёри юқори бўлганлиги сабабли, олтинкўзни “тирик инсектицид” сифатида ишлатиш жуда қимматга тушади (100 мингдан 1 млн.сўмгача).

2.1 Олтинкўзни купайтириш технологиялари

Олтинкузларни оммавий тусда урчишиш усули купчилик давлатлар каби бизнинг мамлакатимизда хам тузиб чикилган. У хозирча кулда купайтирилади. Лекин амалда яратилган механизациялаштирилган усулни ишлатишга мулжалланган биофабриканинг лойихаси хозирдаёк тузиб чикилган. Олтинкуз урчишиш технологияси куйидаги жараёнларни уз ичига олади: личинкалар учун озука тайёрлаш, тухумларни инкубация килиш, личинка ва етук зотни тарбиялаш, тухум олиш ва уларни йигиштириш, биоматериални сакдаш. Субстратдан ажратилган олтинкуз тухумларини 25°C харорат ва 80% нисбий хаво намлигига 2-3 кун тутилади. Бундай шароитларда личинкалар 4-5 кунда очиб чикади. Курт чикишидан бир кун олдин (яккалатиб устириш учун) тухумлар катакли садкаларга жойлаштирилади ёки ярим литрли шиша банкаларда гурухлаб устирилади. Олтинкуз куртларига **каннибализм** (бир-бирини еб куйиш) хосдир. Шунинг учун бу хашаротни купайтиришда якка-якка килиб маҳсус уяли садкаларда устириш ёки маълум «курбонлар» билан гурухли устириш усули ишлатилиши мумкин. Якка устириш усули маҳсус жихозларни талаб этиб, киммат булганлиги сабабли гурухли устиришни таърифлаб утамиз.

Олтинкуз куртларини гурухли усулда устириш учун муайян коидаларга риоя этиш талаб килинади. Озукани мул-кул килиб бериш керак. Лабораториядаги шароит куртлар учун хамиша оптимал булиши лозим: харорат $20\text{-}27^{\circ}\text{C}$, хаво намлиги 50-70%. Куртларни гурухлаб парваришлаш каннибализмдан тулик холи кила олмайди, шунинг учун уларни ярим литрли шиша банкага 50 тадан оширмай жойлаш шарт. Хар бир банкага 100-200 тагача хашарот жойлаштирилса, зичлик ошиши окибатида курт чикиши 18-20%) камаяди. Олтинкузларни куртлик даврида таркатиш кузда тутилганида уни гурухлаб бокиши яхши самара беради.

Биолаборатория ва биофабрикаларда олтинкузни оммавий тусда урчишиш борасидаги муаммолардан бири - куртларни озука билан таъминлаш масаласидир. Узбекистонда олтинкузни бокиши учун мум куяси, хамда дон куяси гухумидан (ситотрога) фойдаланилади.

Олтинкузни мум күясида купайтириш.

Оддий олтинкузни мум күясида купайтирилганда пуштдорлиги юкори булган биомахсулот олиш мумкин. Бунинг учун биринчи навбатда биолабораторияда мум күясини тугри қупайтирилишига ахамият бериш керак. Яъни, мум күясини купайтиришда хаво харорати, хавонинг нисбий намлиги, озуканинг таркиби, уни бериш муддатларига амал килиш талаб этилади. Хона харорати 28-30°C ва хавонинг нисбий намлиги 80-85% булиши оптимал хисобланади.

Оддий олтинкузни мум күяси ва сунъий озука мухитида купайтириш технологияси X.P. Мирзалиева (1986) томонидан ишлаб чиқилган булиб, бунинг учун 3 литрли шиша балонларга 100 граммдан озука солиниб, устига катта ёшдаги мум күяси куртларидан 200-220 дона солинади (мум күяси куртлари купайтирилувчи садоклардан олинади).

1 –жадвал Олтинкузни купайтиришда кулланиладиган озукалар ва уларнинг таркиби

| Озука № | Таркибидаги махсулотлар | % | Тайёрлаш тартиби |
|---------|--|--------------------------|--|
| 01 | 1. III нав бугдой уни 2. Сут 3. Маргарин 4. Ачитки 5. Канд (шакар) | 56 20 2 2 20 | Дастлаб 2-5 махсулотлар канд ва маргарин эригунча (25-27°) аралаштирилади. Кейин унга ун кушилади ва бир сутка аралашма куйиб куйилади. Сунгра 5 см калинликда патнисларга ёйилиб 2 атм. босимда, 45 дакика автоклавга куйилади. |
| 02 | 1. Куритилган мева-лар (мева коки) | 35 | Кайнаётган сувга шакар солиниб 20 дакика сакланади ва |

| | | | |
|--|-----------------|----|--|
| | 2. Канд (шакар) | 15 | унга мева коки аралаштирилади (1 дакика куйилиб кейин совитилади). |
| | 3.Сув | 50 | |

10-12 кундан кейин 10-15% капалаклар уча бошлагач, шиша балонларга озукадан 150 грамм солинади. Капалакларнинг учиши 50% дан ошганида шиша балонларга 100 донадан олтинкуз тухуми солинади. Тухумдан чиккан олтинкуз личинкалари мум куяси тухумлари ва капалакларнинг колдиклари билан озикланади. Личинкалар 7-8 кунда ривожланиб булади ва мева кокилари орасида гумбакка айланади. Яна 6-8 кундан сунг, гумбакдан олтинкузнинг етук зотлари учеб чикади. Улардан тухум олиш учун мато тасмалари солинган Злитри шиша балонларга 100 тадан териб солинади. Етук зотлар асал ва тухум аралашмаси хамда мум куяси куртларининг гемолимфаси билан озиклантирилади.

Олтинкузни дон куясида купайтириш

Оддий олтинкузни бу усулда купайтиришда олтинкуз личинкалари учун озука сифатида дон куясининг тухумларидан фойдаланилади. Бунинг учун 3 литрли шиша балонларга 100 граммдан олма коки ва унинг устига янги куйилган дон куяси тухумидан 1-2 грамм солинади. Сунгра хар бир шиша балонга олтинкузнинг 3-4 кунлик тухумларидан 120 та солинади. Тухумдан чиккан олтинкуз личинкалари дон куяси тухумлари билан озикланади. 3-4 кундан сунг шиша балонларга кушимча 100 грамм олма коки ва 1-2 грамм дон куяси тухуми солинади. Олтинкуз личинкалари шиша балон ичida гумбакка айланиб, шароитга караб 16-20 кундан кейин етук зотлари учеб чикади. Улардан тухум олиш учун 100 тадан алохida балонларга солиниб, озиклантириб турилади.

Олтинкузни биолабораторияда купайтиришнинг яна бир самарали усули Тошкент давлат аграр университети олимлари томонидан ишлаб чикилган булиб, бу технология бугунги кунда купгина биолабораторияларда кулланилмокда.

Бу технологик жараён куйидагилардан иборатдир: дастлаб арпа кайнок сувда ($90\text{-}95^{\circ}\text{C}$) 1-2 дакика заарсизлантирилиб, бир сутка давомида димланади, кейин уни махсус патнис (кювет) ларга 2-3 см калинликда ёйиб, намлиги 16% га тушгунча шамоллатилади. Сунгра унинг устига термостатда (24°C харорат, 80% намлик) 3-4 кун сакланган ситотрога тухумидан, 1 кг арпага 1 г хисобида когозчаларга (10 кг арпа сигадиган патниснинг 5 та жойига 2 граммдан) куйилади. Куртлар донга тулик кириб кетгунинг кадар арпага тегилмайди. Ундан кейин, капалаклар учиб чика бошлагунча (тахминан 20-25 кун) арпа хар купи намлаб турилади. Арпанинг намлиги 16% дан ошиб кетмаслиги л озим. Хона харорати $24\text{-}25^{\circ}\text{C}$, намлик 75-80% булиши керак.

2-жадвал Ситотрогада купайтирилган олтинкузнинг биологик курсаткичлари

| Тартиб № | Курсаткичларнинг номланиши | Биологик курсаткичлар |
|----------|---|-----------------------|
| 1. | Уринган зотлар салмоги, % | 5 |
| 2. | Гумбак огирилиги, мг | 5 |
| 3. | Жинслар нисбати (эркак:ургочи) | 1:1 |
| 4. | 26°C харорат 75% намлиқда етук зотнинг хаётчанлиги, кун | 20 |
| 5. | Ургочиларни тухум қуиши, дона | 500 |
| 6. | Тухум ва гумбакларнинг яшовчанлиги, % | 94 |
| 7. | Олтинкуз (етук зотларининг) улчамлари, мм ургочиси | 10 8 |

Капалаклар уча бошлагач, 3 литрли банкага 300 грамм арпадан солинади, банкалардан 50-60% капалаклар учиб чиккунича кутилади, сунгра

уларнинг устига 300 донадан янги куиилган олтинкуз тухумлари солинади. Тухумлардан чиккан кушанды личинкалари дон куясининг тухуми, личинкаси, хатто капалаклари билан хам озикланади. 15-18 кун утгач личинкалар озикланишдан тухтаб пилла урайди ва гумбакка ута бошлайди. Яна 6-8 кун утгач, банкада олтинкуз етук зотлари пайдо булади. Улар дархол учирив олиниб, ичида тасма матолари булган, тоза 3 литрли банкаларга 70-80 тадан солинади. Олтинкуз солинган банкаларга асал суртилган мато осилади ва банка ичига хар бири 4-5 та курт эзилган силлик когозчалар туширилади. Шунингдек озука сифатида пиво ачиткисининг 40% ли автолизати банканинг ички деворига суртилади.

Олтинкузнинг етук зотлари озикдангач, 3-4 кундан кейин ёппасига тухум куйишга киришади. Тухум куиилган матолар хар куни олиниб, олтинкузлар мато тасмалар солинган тоза банкаларга кучирилиб юкорида айтилган усулда озикдантирилади.

Олтинкуз хар куни янги банкаларга кучириб турилмаса касалланади. Олтинкуз тухум куйиши бир ойгача давом этади. Етук зотлар тулик учиб булгач, арпалар яна янгиланади. Агар капалаклар куп булса, арпадан иккинчи марта фойдаланса хам булади. Олинган тухумлардан далага чикириш, ёки яна олтинкуз купайтириш учун фойдаланилади.

Олтинкузни яrim автоматлаштирилган линияда купайтириш усули

Олтинкуз зотларини куплаб ва арzonлаштириб чикириш учун яrim автоматлаштирилган усул яратилган. Унинг учун куйидаги жихоз ва биоматериал керак булади.


1. Олтинкуз личинкаларини якка холда бокиш учун махсус уйма инларга эга яssi поднос (гексель). Бунинг хар бири 1706 та уймага эга.
2. Гексельга олтинкуз ва ситотрога тухумларининг аралашмасини биртекис таркатиб берувчи дозатор.
3. Гексельларни туплаб олтинкуз куртларини бокиш учун стелаж урнатма.

4. Гексельлардаги олтинкуз пилласини йигиб олиш учун компрессорлик махсус курилма.

5. Олтинкузнинг хамда ситотроганинг (оизкланиш учун) тухумлари.

Бу усулда олтинкузни купайтириш учун иш бошлашдан олдин бошка линияда дон куюсининг (ситотроганинг) тухуми етарли микдорда тайёрлаб куйилади. Шунингдек, олтинкузнинг хам бирламчи тухум захираси булиши керак.

Хар 1 гексельни жихозлаш (заправка) учун 25 гр ситотроганинг тухуми ва 3500 та (225 мг) олтинкузнинг тухуми керак булади. Булар идишда яхшилаб аралаштирилгач, дозатор бункер идишига солинади ва унинг ёрдамида гексель ячейкаларига таксимланади. Максад гексельнинг хар бир уйма инида 1дона олтинкузнинг тухуми ва ундан очиб чиккан курт 7-8 кун ичида оизкланиши учун етарли ситотрога тухуми жойлашиши керак.



15-расм. Олтинкузни ярим автоматлаштирилган усулда купайтириш учун ишлатиладиган ускуналар:

1 - гексель, 2 - стелаж, 3 - сепаратор.

Аммо, амалда бироз фаркланиши мумкин. Шуни назарда тутиб, гексельни тулдиришда олтинкуз тухуми 2 баровар купрок олинади. Гексельлар стелажларда махсус хоналарда, хаво харорати 25-26°C, намлиги

50-60% шароитида сакланади. Биринчи хафта утиши билан, гексельдаги куртлар күшімчада, яна ситетрода тұхумлари билан, дозатор ёрдамида озиклантирилади.

Кейинчалик, 16-18-нчи кунларга бориб, дозатор үймаларда пиллага уралған гумбаклар пайдо булғач, уларни маҳсус пневматик йигишиң үскунаси ёрдамида йигиб олинади. Теріб олинған пиллаларни Петри ликобчаси, ёки кичик банкаларга таркатып солинади. Кейинчалик улардан учеб чиккан етук зотларни ичига мато булаклари солинган шиша банкаларга 80-100 тадан килиб жойлаштирилади. Хар бир банка ичига асал суртилған мато булагини тушириб қуиши лозим. Ундан ташкари, кейинги 2 нарасанинг бири билан хам озиклантириш зарур: мато булагига эзилған 4-5 курт гемолимфаси, ёки пиво ачиткисининг 40% лик автолизатини банкаларнанға ички деворига суртиб қуилади.

Уч-турт кун уттағач, олтінкүздінгі етук зотларынан йөспасыра тұхум қуишины бошлайды. Матодаги тұхумларни турли максадларда ишлатиш мүмкін: далага таркатыш учун матоларни кайчи ёрдамида булып, химоя килинадиган үсімлікка қуибы чикиш ва 2- тақрорий линияда ишлатыш учун, тұхумларни кичик кайчи, ёки бошқа мосламалар ёрдамида кесіб олип йигилади. Энг зарури: хар кунғы тұхумни уша куни йигиб олиниши бир текис биоматериал булишини таъминлайды. Етук зот солинган банкалар тез-тез тозаланып озукаси янгиланип турилади. Талабларга караб, олтінкүз тұхумини вактинча уй сувуткичларыда ($5-6^{\circ}\text{C}$) сақдаб тұрса булади.

2.2 Олтінкүздін гуза ва бошқа әқинларни химоялаш учун амалий ишлатыш

Купайтирилаётган олтінкүз стандарт мөрөн курсатқичларига тулик. жағоб берган тақдирдегін тұхумини зарур майдонларға таркатыш тавсия этилади. Зааркунандаларнинг таркалиши ва зичлигига хамда маҳсулотнинг сифатига караб хар гектарға 500 тадан 2000 гача таркатыш мүмкін. Бундан ташкари, гуза ніхолларидаги сурувчи зааркунандалар (ургимчакканы, трипс

ва шира)га карши олтинкузнинг тухум ва биринчинчи ёш личинкаларини 1:15 ёки 1:20 нисбатларда хам далага таркатиш мумкин.

Олтинкуз энтомофагини апрел ойидан бошлаб зааркунандаларнинг олдини олиш максадида шира, трипс ва ургимчакканаларга карши дала четлариға ва галла майдонларига 10 м оралиқда етук зотини, ёки 1:15-20 хисобидан тухум ва куртини таркатиш, келажакда зааркунандаларнинг оммавий купайиб кетишининг олдини олишда салмокли фойда беради.

Биолаборатория шароитида купайтирилган олтинкуз Республика "Биосифат" марказий лабораторияси томонидан сертификация килинганидан сунг далага таркатишга рухсат этилади.

Оддий олтинкузнинг сифат курсаткичларини аниклаш

Олиб борилган куп йиллик изланишлар ва ишлаб чикариш тажрибалари натижаларига таянган холда, биолабораторияларда оддий олтинкузни сифатли купайтиришни йулга куйиш учун, куйидаги меъёрий курсаткичлари ишлаб чикилган ва "Узстандарт" агентлигига руҳхатдан утказилган.

1. Олтинкуз турини аниклаш. Олтинкуз турларини аниклаш ишлари Л.М. Копанева (1983) «Определитель вредных и полезных насекомых и клещей, однолетних и многолетних трав и зернобобовых культур в СССР» китобида курсатилган услуг асосида амалга оширилади. Бинобарин, хозирги даврда Республикализ биолабораторияларида асосан оддий олтинкуз (*Chrysopacarnea* Steph.) турини купайтириш йулга куйилган.

2. Етук зотнинг улчамлари, яъни танасининг узунлиги 10 мм, канотини ёйганида 25 ммдан кам булмаслиги керак. Намуна учун 20 дона етук зот олиниб, уларнинг хар бири масштаб координатли линейка когоз ёрдамида улчанади.

Хар бир ургочи зотнинг пуштдорлик даражаси 200 та тухумдан оз булмаслиги керак. Пуштдорликни аниклаш учун пилладан янги учеб чиккан оддий олтинқузнинг етук зотларини 1 литрли шиша банкаларга 20 тадан (яъни 10 та + 10 та) 2 та банкага солиб куйилади. Банкалар оғзи кора чит мато билан ёпилади. Озука сифатида хар куни асал ва автолизат ишлатилади. Бу тадбир ургочи оддий олтинкуз тухум куйиб булиб, табиий нобуд булгунча давом эттирилади. хар иккала банкалардаги тухумлар сони хисобланиб, олтинқузнинг пуштдорлик даражаси - ($\Pi_{\text{л}}$) тенглама ёрдамида хисобланади:

$$\Pi_{\text{л}} = H : N, \text{ бунда:}$$

H - жами куйилган тухумлар сони, *дона*;

N - банкадаги ургочи зот сони, *дона*.

Мисол учун: хар иккала банкада жами 4600 та тухум борлиги аникланди.

Демак: $4600 : 20 = 230$. яъни популяция ургочи зотларининг пуштлилиги коникарли экан.

3. Хаётчанлиги (тухумдан жонланиши) 70% дан кам булмаслиги керак. Текширилаётган махсулотдан 20 дона олтинкуз тухуми олиниб, 20 та пробиркада (харбирида 1 тадан) бокиб гумбак ва пилла даражасигача олиб борилади. Олтинқузнинг насли ва хаётчанлиги куйидаги тенглама ёрдамида аникланади.

4. $B = C : K \times 100, \%$, бунда:

B - олтинкуз наслининг хаётчанлиги, %,

C - олинган пилланинг жами сони, *дона*,

K - тажрибада олинган тухум сони, *дона*.

Мисол учун, 20 та тухумдан назорат охирида 15 та пилла олинди. Демак, $15 : 20 = 75\%$, яъни популяция коникарли экан.

5. Пиллалардан учеб чикадиган етук зот микдори 75% дан оз булмаслиги керак. Бу курсаткичга эга булиш учун пробиркаларда хосил булган пилланинг умумий сони (K) ва

улардан учиб чиккан олтинкуз етук зотининг умумий сони (С) маълум булиши керак, яъни:

$$B = C : K \times 100, \%$$

Мисол учун, 18 та пилладан 14 та етук зот учиб чикди, яъни: 14:18=78%.
Бу яхши курсаткичдир.

6. Олтинкуз етук зотининг яшаш давомийлиги (муътадил шароитда) 15 кундан оз булмаслиги керак. Бу курсаткич кулай шароит яратилиб назорат килиб борилган хашаротларни кузатиш натижасида олинади.

7. Неча % ургочи зот тухум куйишини аниклаш. (Бу курсаткич 80% дан паст булмаслиги шарт). Бу курсаткич 10 та банкага 1 жуфтдан (еркак ва ургочи) етук зот жойлаштириб тухум куйиши ни назорат килиш окибатида аникланади.

8. Турли жинсли (еркак ва ургочи) хашаротларнинг нисбати (индекси) 1:1 дан паст булиши керак эмас. Яъни популяциядаги ургочи зотларнинг салмоги 50% дан оз булмаслиги керак.

Олтинкуз партиясидан олинган намунадаги 20-30 дона етук зотнинг эркак ва ургочилари ташки белгиларига караб ажратилади. (Ургочи зотнинг корни эркагиникига нисбатан катталиги билан ажралиб туради). Етук зотлар сони хисоблаб булинганидан кейин, жинслар нисбати куйидаги тенглама оркали аникланади:

$$C = C_2 : C_1, \text{бунда:}$$

C - зотлар нисбати ,

C_2 - ургочи зот сони, *дона*,

C_1 — эркак зот сони, *дона*.

Мисол учун, 20 та етук зот орасида 12 таси ургочи, 8 таси эса эркак булиб чикди. Демак: 12:8=1,5, яъни зотлар нисбат индекси 1:1,5 тент.

9. Пилланинг огирилигини аниклаш. (Унинг огирилиги уртacha 6 мгдан кам булмаслиги керак). Олтинкуз пилласининг хар

партиясидан 20 дона намуна олиниб, умумий огирилиги улчанди ва пилла сонига булиб уртача хар 1 пилланинг огирилиги аникданади.

10. Етук зотлар орасида шикастланганларининг микдорини (%) аниклаш. (Булар 5-7% дан ошмаслиги керак).

$$Д = M : A \times 100, \%, \quad \text{бунда:}$$

Д - шикастланган зотларнинг фоизи, %,

M — шикастланган зотлар сони, *дона*,

A - етук зотларнинг умумий сони, *дона*.

Биолабораторияларда купайтирилаетган оддий олтинкузнинг сифат курсаткичлари шу усуллар билан аникланади. Ушбу меъёрий курсаткичлар факат оммавий равишда купайтирилаётган оддий олтинкузларгагина тааллуклидир. Республикадаги биолабораторияларда ишлаб чикарилаётган оддий олтинкузнинг сифат курсаткичларини, мавсум давомида, биолаборатория ходимлари текшириб туриши мумкин. Буни Республика "Биосифат" марказий лаборатория ходимлари хам аниклаб, хар бир гектар майдонга чикариш меъёрларини белгилайди. Куз, киш ва эрта баҳор ойларида олтинкузнинг сифат курсаткичлари урнатилган меъёрлардан бир оз фарқ килиши мумкин.

Биоматериалпи янгилаш

Биоматериални янгилаш максадида кузда (октябр-ноябр ойларида) хашаротлар куп булган далалар, яъни бедазорлар, кечки маккажухоризорлар, бегона утлар, тут ва бошка мевали дараҳтлардан олтинкузнинг етук зотларини капалак туткич(сачок) ёрдамида йигиб олинади. Ундан ташкари етук зотларининг ёруглик томон яхши учишини хисобга олган холда ёруглик туткичидан фойдаланиб хам, олтинкуз йигиб олиш амалга оширилади. Табиатдан йигиб олинган табиий олтинкузнинг етук зотларини 2-3 кун асал билан озиклантириб, кишлашга тайёрланади.

Олтинкузнинг кишлишини таъминлаш ва унинг етук зотини диапаузага киритиш тартиби

Кишиш учун олтинкузларнинг диапаузага кирадиган етук зотларини саклаш жуда маъкул усулдир. Бунинг учун олтинкузнинг етук зоти сакланадиган хоналарни ёргулик билан таъминлаш 10 соатга кадар кискартирилади. Натижада, етук зотлар канотларининг ранги яшил ёки салат рангдан оч пушти рангача узгаради. Бу хашаротларнинг диапаузага кирганлигидан далолат беради.

Диапаузадаги хашаротлар, ичига когоз бувламалар ёки киринди солинган 2-3 литрли шиша банкаларда совук, (+2+6°C) хонада сакланади. Диапаузадаги олтинкузлар, сакланиш давомида, хар ойда икки маротаба иссик, (25-26°C) хонага 3-4 соатга куйиб, жонлантирилади ва озиклантирилади. Жонланган етук зотларга факат асал таклиф килинади. Озикланиб булган етук зотлар яна совук хонада диапаузага утказилади ва саклаш давом эттирилади. Хашаротларни шу холатда 3-4 ой саклаш мумкин. Оммавий усулда биолабораторияларда купайтирилаётган олтинкузларни албатта йилда бир маротаба янгилатиб олиш шарт.

Олтинкузнинг етук зотларини озиқданиши учун автолизат тайёрлаш

Автолизат тайёрлаш учун янги пиво ачиткиларини эмаль кювсталарга куйиб, икки-уч сутка +50°C хароратли термостатга куйилади. Агарда, +50°C ли термостат булмаса озукани 25-30°C ли термостатларда хам тайёрлаш мумкин, аммо тайёрлаш узокрок (5-6 сутка) давом этиши мумкин. Термостатни суткасига 5-8 маротаба очиб намлигини пасайтириб туриш зарур. Автолизат каймок каби куюлганида гайер булади. Тайёр булган автолизат музлаткичда +5+8°C хароратда, купи билан 1,5-2 ойгача сакланиши мумкин.

**Лабораторияда олтинкуз
турларини ва уларнинг сифат курсаткичларини**

аниклаш учун керак буладиган жиходзлар

- | | |
|--|------------------------------|
| 1. Пробиркалар (21 мм) | 13. Когоз, дафтар, калам |
| 2. Штатив | 14. Энтомологик игна |
| 3. Стол лампаси | 15. Препарат ёпкич ойнаси |
| 4. Лупа 8 ^x , 10 ^x | 16. Препарат тайёрлаш ойнаси |
| 5. Бинокуляр МБС-9 | 17. Калькулятор |
| 6. Шиша балонлар. Хажми 1-3 л | 18. Кайчи |
| 7. Кора ишли мато | 19. Мойкаладам |
| 8. Асал | 20. Боглаш учун халкачалар |
| 9. Термостат 30-50°C | 21. Торози (торционный) |
| 10.Музлатгич | 22. Пахта |
| 11.Пинцет | 23. Психрометр |
| 12.Масштаб - координатли когоз | |

2.3 Биолабораторияларда махсулот ишлаб чикариш ва уларни

далаларга таркатиш календар режаси

Январ-феврал ойларида

Бу ойларда мавжуд биолабораторияларни тулик кувват билан ишлаш учун талаб этиладиган озука махсулотлари, керакли анжом ва зарур инвентарлар билан таъминлашни амалга ошириш керак. Олтинкузни купайтиришда хоналар харорати куйидагича булишини таъминлаш керак:

Хаво харорати 24-25°C ва намликтининг 75-80% булишини таъминлаш зарур.

Шунингдек бу даврларда:

- арпани ситотрода билан заарларлаш ва олтинкуз купайтириш учун етарли микдорда ситотрода тухумини ишлаб чикаришни ташкил этиш;
- мум куюсини купайтиришга катта эътибор каратиш;

Март-апрел ойларида

Бу даврда барча биолабораторияларда биомахсулот купайтириш тула кувват билан амалга оширилади, талаб этилган технологиялар асосида мум куюсини, олтинкузни жадал купайтирилади, трихограмма ва браконни эса режага асосан купайтиришни давом эттириш керак.

Март ойининг учинчи 10 кунлигидан бошлаб об-хаво харорати исиши билан дала киргокдаридағи бегона утлардаги ургимчаккана, шира, трипсларга карши олтинкузнинг 3-4 кунлик тухумини зааркунанда микдорига караб 1:30 нисбатда, галлазорларга гектарига 500-1000 донадан қуиши; қузги ва бошка тунламлар тухумларига карши уват атрофлари ва зовур буйларига 0,3 гр дан трихограммани хар 5-6 кунда (жами 3 маротаба) таркатишни амалга ошириш керак.

Гуза нихолларида сурувчи зааркунандалар пайдо булган даврдан бошлаб (ургимчаккана, трипс, шира) олтинкузни зааркунанда микдорига караб 1:10 ёки 1:20 нисбатларда зааркунанда уяларида таркатиш.

Май ойида

Доимий ургимчаккана учоги хисобланган хамда тут дарахтларидан холи булган дала киргоклари ва уватларга кимёвий, олдини олиш ишловини бериш. Бунинг учун Каратэ (0,1%), Циперфос (0,2%), Багира (0,06%) + Нискоран (0,04%) ишлатиш яхши самара беради. Шунингдек, олтинкузни 3-4 кунлик тухумини зааркунанда сонига караб, гектарига 500-1000 тадан таркатиш керак.

Май ойининг биринчи 10 кунлигидан бошлаб сабзавот экинлари майдонларига 1 донадан қузги тунлам феромон туткичларини урнатишни ташкил этиш ва капалаклар тушганидан 2-3 кун оралатиб 10x10 метр тизимда хар гектарга 0,6 граммдан трихограмма таркатиш. Гуза тунламиининг куртларига карши помидор, нұхат ва бошка экинларга хам 1:10-1:20 нисбатларда бракон таркатиш тавсия этилади.

Июн ойида

Бу ойнинг биринчи ун кунлигига республикамизнинг аксарият гуза майдонларида гуза тунламигининг капалакларини учиши кузатилади. Шунинг учун, урнатилган феромон туткичларни янгилаш, хар 5 гектарга 1 донадан феромон туткич куйишни ташкил этиш, туткичга бир суткада 2-3 та капалак тушганида ёки 100 туп гузада 2-3 та тухум аникланса, гектарига 1,0 граммдан хар 2-3 кун оралатиб 4-5 маротаба трихограмма куйиш.

Гузада шу даврда учрайдиган шира, окканот, трипе ва ургимчакканага карши олтинкуз куртини, булмаса тухумини чикариш керак. Шуни таъкидлаш жоизки, зааркунанданинг кейинги авлоди микдорининг куп ёки оз микдорда булиши июн ойида олиб борилган карши кураш тадбирларига ута боғлиқдир. Шунинг учун, тунламнинг зичлиги хреилга хавф яратган пайкалларда (капалакнинг куплаб учиши, куйган тухумининг куп-лиги, куртининг зичлиги х.ар 100 та усимликка (тухумдан таш-кари) 10-15 тадан ортиб кетиши), фойдали х.ашаротлар учун кам хувфли дорилардан (аваунт, ланнейт, суррендер) ишлатишни таказо этади.

Дори ишлатишни, яхши таъмирланган ОВХ-28 трактор пуркагичи ёрдамида (х.ар гектарга 300 л/га) сув сарфлаб, эрта-лабки ёки кечки салкинда утказилади. Бунда, агарда далада ур-гимчаккана таркалиш х.авфи булса, ишчи эритмаларига Омайт (1,5 л/га) ёки Вертимел (0,4 л/га) аралаштириб ишлов утказилади.

Июл-август ойларида

Биолабораторияларда махсулот ишлаб чикаришни жадал суратлар билан олиб бориб технологик режимларга риоя этилади. Гузадаги шира ва ургимчакканаларга карши олтинкузни, гуза тунламига карши трихограмма ва браконни купайтириш давом эттирилади.

Дала назоратчиларини ишини жонлантириш, узларига бириктирилган хар бир гуза пайкалларини назорат килиш. Феромон ва бошка туткичларни мунтазам янгилаш (феромон капсулаларини хар 10 кунда, елимини

капалаклар тушишига караб 2-3 кунда) янгилаб туриш керак. Ікпоратчилар хисобига гуза майдонларига энтомофагларнм гарканини давом эттириш. Ойнинг учинчи ун қунлигига кусак курш чухумларини йук килиш учун чилпилган гузанинг усув нуктларини этакка йигиб олиб, уларни іюКкилишни ташкил этиш. Кечикиб экилган гузаларда чааркунандаларга карши энтомофагларни таркатиш сентябр ойигача давом эттирилади.

Септември-октябр ойларида

Кечки гуза, маккажухори ва помидор экинларида заарку-нацдаларга карши унинг кишлоға костиш захирасини камай-тирмш Миксадида биолабораториялардаги олтинкүз тухуми ва личинкаларини, трихограмма ва браконни таркатиш давом эттирилади.

Энтомофагларнинг популяцияларини янгилаш учун тунлам куртларини даладан йигиб олиб келиб биолаборатория-ларда купайтирилади; трихограмма ва браконни уларда пассаж килингач, наслдор биоматериални кишлоғ диапаузасига утка-зиш ишлари амалга оширилади.

Ноябр-декабр ойларида

Биолабораториялар ишини тахлил килиш, зарур булган ЭХТИёт кисмлар, этишмайдиган жихоз ва ускуналар билан таъ-минлаш хамда бино ва линияларни таъмирлаш. Биолаборатория бино ва омборларини дезинфекция килиш, дон канаси каби зааркунандаларни таркалишини олдини олиш, шунингдек кишлаётган зааркунандаларнинг таркалиши буйича маълумотлар тайёрлаш, уларни харитага тушириш ва далалардаги сонини хисобга олиш учун ковлаб куриш ва назорат ишларини утказиш.

Келгуси йил учун фермер ва бошка турдаги ишлаб чикарувчилар билан биомахсулот етказиб бериш ёки биологик химоя чораларини утказиш буйича шартномалар тузиш, уларни тегишли жойлардан руйхатдан утказиш. Кадрлар малакасини ошириш, фермерлар орасида укув машгулотларини утказиш.

Хавфсизлик талаблари

1. Биомахсулот (трихограмма, бракон, олтинкуз) одамзот ва ташки мухит учун заарсиздир. Аммо, бу махсулотларни ишлаб чикариш жараёнида озука сифатида галла куюси (ситотрога), мум куюси ва яна бошка хашаротлар купайтири-лиши мумкин. Булар эса, тайёр истеъмол махсулотлари учун (курук мевалар, конфет, захирадаги галла ва ун махсулотлари ва хоказо) жуддий зааркунандалар булиб хисобланади. Шуни назарда тутиб, барча биолаборатория ва биофабрикаларда бу хашаротларни купайтириш жараёнида, уларнинг етук зотларини (капалакларини) ташкарига чикариб юбормаслик тараддудини куриш максадга мувофиқдир. Бу, биринчидан, хашаротларни идишлардан хона ичига чикармасликни назарда тутса, иккинчидан, лаборатория хоналаридан ташкарига чикариб юбормасликка каратилган чоралардир. Бунинг учун барча очиладиган ром ва эшикларга капрон сеткалари тутиб, уларни озода тутишни назарда тутади. Биофабрикаларда хаво компрессорларидан ташкарига чикариб юбориладиган хаво йулида капалак туткичларнинг урнатилиши жиддий самара борадиган чорадир.

2. Биолаборатория ва биофабрика атрофида жойлашган хонадонлар капалак ва бошка турли хашаротларни уйга кириб колишини олдини олиш учун, барча очиладиган ром кузларига капрон сеткалар урнатиб чикишлари максадга мувофиқдир.

3. Биомахсулотни ишлаб чикиш, саклаш, ташиб ва амалий куллаш жараёнида, умумий кабул килинган тозалик ва гигиеник конун коидаларга риоя килиниши шарт.

4. Биолабораторияда ишлаш учун махсус медицина кури-гидан утган соглом, хдмда аллергия ходисаларидан холи шахс-лар кабул килинади. Улар махсус кийим ва шахсий гигиена ва химоя воситалари билан таъминланган булиб, умумий хавфсизлик коидалари билан танишган булишлари керак.

5. Биолаборатория ходимлари вакти-вакти билан табиий курикдан утказилиб, тери, куз ва нафас йуллари, хамда аллергик аломатларга мойил

кишилар, хомиладор ва эмизикли оналар ишлаб чикариш жараёнига жалб килинмайдилар.

6. Ишлаб чикариш бинолари, таъмирланган ва озода булиб, бсона хашаротлардан (чумоли, суварак (таракан), мита) ҳамда сичкон ва каламушлардан озод булиши шарт. Бу ишлар туман санэпидстанция тармоклари билан хамкорликда амалга оширилади.

Ш-боб. Зааркунандаларга қарши турли хил ҳашарот тутқичларини қўллаш.

Ҳашаротларнинг етук зотлари ўзаро боғланиши учун мўлжалланган кимёвий моддаларнинг мавжудлиги аниқланганлигига 2 асрдан ортиқ вақт ўтганига қарамай, бу моддани амалий ишлатиш учун тадқиқотлар Ўзбекистонда 1980 йиллари бир қатор илмий ташкилотларда бошланган . таъкидлаб ўтиш жоизки, феромон моддаси ҳашаротларнинг маҳсус экзокрин безлари томонидан ишлаб чиқилиб, ўзга жинсли зотини жалб этиш учун мўлжалланган. Жинсий феромонни асосан урғочи зот ишлаб чиқаради.

Ғўзани заарлайдиган асосий тунламларнинг феромонларини ЎзЎҲИ ҳодимлари (Ш.Хўжаев, О.Эшматов, Н.Кўчкорова, 1982-1988) ҳамда ЎЗФАнинг зоология ва паразитология институти ҳодимлари (Ў.Тўрахонов, 1983-1984), Самарқандда эса Д.Насруллаева ва М.Парсаев (1983-1985), Тожикистонда В.Коваленков ва бошқалар (1984), Озарбайжонда Р.Сатторзода (1982-1985 й)ўрганган эдилар.

Бу натижалар асосида Эстониянинг Тарту давлат университети (ТГУ) ва ЎзФАнинг биоорганик кимё (ИБОХ) ҳамда Москванинг пестицидлари яратиш ИТИ томонидан кўплаб ҳашаротлар, жумладан ғўза тунлами, кузги ва ундов тунлами жинсий феромонларнинг (ЖФ) таркиби аниқланиб, уни сунъий равища синтез қилиш усуллари яратилган. Ғўза тунлами, кузги ва

ундов тунламларнинг ЖФ жойлаштирилган феромон тутқичларини (ФТ) амалий ишлатиш бўйича тадқиқотлар асосан ЎзЎҲИ да олиб борилиб, бир қтаор тавсиялар чоп этилган (1982-1985) бунда қуидаги мақсадлар назарда тутилади.

1.ФТ ёрдамида айни ҳашаротнинг баҳорда ривожлана бошлаган муддатини ва зичлигини аниқлаш. Мавсумда неча бўғин берганлигини, уларнинг муддатларини ва фенограммасини тузиш.

2. ФТ га илинган капалаклар зичлигига қараб қайси ҳимоя усулини ва қайси фурсатда ишлатиш кераклигини аниқлаш. Трихограммани далага тарқатиш учун энг самарали фурсатни аниқлаш.

Феромон тутқичларни ишлаш жараёни шундан иборатки, бунда сунъий ҳидга жалб этилган эркак капалак туткич ичига жойлаштирилган елимли қоғозга ёпишиб қолади.

Сунъий феромон кучли аттаректант ҳисобланади, яъни у табиий капалакка нисбатан бир неча бор кучли жалб этиш хусусиятига эга. Ҳар бир тур ҳашарот учун маълум структура ва тузилишга эга бўлган ўзининг феромони мавжуд. Амалиётда феромон тутқичи ёрдамида айни ҳашарот ривожланишини белгилаб, зарур кураш усули учун тараддуд кўриш имконияти яратилади. Бу эса биринчидан, ўз вақтида кураш олиб бориш ҳисобига зарарнинг олдини олишга, иккинчидан беҳуда ишлов ўтказишга чек кўйиш имконини яратади.

Феромон тутқичлари тутқич, елимли ёпишгич, темир сим, ёғоч қозик ва феромон моддаси сингдирилган резина капсуладан иборат бўлади.

Тутқич(ловушка). Феромон тутқичларнинг кўп турларини учратиш мумкин. Боғдорчиликда учбурчак шаклидаги картондан ясалган энг қулай бўлса, пахтачиликда тунламларга қарши 2-3 хил, бир-биридан кам фарқ қиласиган тутқичлар тавсия қилинган. Кўп йиллик кузатишларимиз натижаларига кўра, пахта майдонларида ғўза тунламига қарши энг қулай тутгич «Аттракон» типидаги тутқичларнинг такомиллаштирилган ва қайта ишланган «Аттракон-узбекский» тутқичи ҳисобланади.

Бу тутқич ккўп жиҳатлари билан талабга жавоб беради. Бу тутқичлар 2 қисмдан иборат бўлиб, бир-бирига темир сим орқали бирлаштирилади. Тутқичнинг капалак кирадиган тўрт томонидаги оралиқ қушларнинг киришига имкон бермайдиган баландликда бўлади. Тутқичга кириб ёпишган капалакларнинг қушлар томонидан чўқиб кетилиши тунлам тўғрисида тўғри хулоса чиқаришга имкон бермаслиги мумкин.

Елимли ёпишгич. Тутқичларнинг остки қисмига капалакларни илинтиришга мулжалланган маҳсус елим суртилган қофоз қўйилади. Капалак кўпайиб кетиши ва сатҳи чанг билан қопланиши оқибатида елим ёпишқоқлигини йўқотади. Шунинг учун уни янгилаб туриш керак. Елим сингиб кета олмайдиган маҳсус қофозларга суркалади. Бир ёпишкичга 1-2 мм қалинликда елим суртилиб, иккинчи шундай тоза қофоз билан ёпиб қўйилади. Дала шароитида ёпишгичлар бир-биридан ажратилиб тутқичларга қўйилади, яъни 2 дона ёпишгич тайёр ҳолатда бўлади. Елимни ёғочдан тайёрланган куракчалар ёрдамида осон суриш мумкин. Ёпишгичларни тутқичларга жойлаштиришни осонлаштириш учун бир томондан марказгача кесиб қўйилади.

Ёпишгичларни алмаштиришда қисқич(пинцет)дан фойдаланилади. Елимни бир томони плёнка билан қопланган (ламинация қилинган) картон қофозларга суртиш лозим. Умуман, бу қофозлар намни ва елимни ўтказмаслиги керак.

Елим. Феромон тутқичларида бошқа елимлардан фарқли бўлган, узок вақт қуриб қолмайдиган, ёпишқоқлик хусусияти кучли ва яхши сақланадиган елим ишлатилади. Бу елим юқори ҳарорат остида ҳам кам таъсиранади. Ҳозирги пайтда бундай елим Тошкентда ишлаб чиқарилади.

Темир сим. 3-5 мм йўғонликдаги темир сим 15-20 см узунликда кесиб олинади ва ёғоч қозиқقا каноп и пёки алюмин сим билан маҳкамланади. Маҳкамлашда ёғоч қозиқнинг устки қисмидан сим 10-12 см кўтарилиб туришини таъминлаш керак. Ана шу қисмига тутқич кийгизилади.

Ёғоч қозиқ. **Феромон** тутқичларни ўрнатишда ипак куртини боқишдан қолган тут дарахти навдаларидан фойдаланиш қулайдир. Тут новдаларининг эгилмаганлари танлаболиниб, 130-150 см узунлиқда кесилади. Новданинг бир томони ўткирланади ва қозиқ ҳолига келтирилиб, ерга суқишига мосланади.

Иккинчи томонига эса темир сим боғланади. Ёғоч қозиқ ер сатҳидан 100-120 см баланд қилиб ўрнатилади, унга ҳеч қандай кўндаланг зиналар қоқиб қўйиш шарт эмас, чунки исботланганки, ер сатҳидан 2 м баландликда тунлам капалакларнинг учиши (илиниши) бир хил бўлиб, у экинга яқинлигига боғлиқ эмас.

Феромон моддаси сингдирилган капсула. Феромон юқорида айтиб ўтганимиздек, «жалбқилувчи» ёки «чорловчи» модда бўлиб, унинг жуда кичик миқдори (1-2 мг) кўп эркак капалакларни чақириши мумкин. Феромон модадсини ишлатиш учун уни ҳар хил резина ёки полимер воситалрга шимдирилади. Кейинчалик модда атрофга ҳаво орқали аста-секин тарқала бошлайди. Резина трубка 15-20 мм узунлиқда қирқилган бўлиб, ҳар бир бўлаги ўз таркибида 2 мг феромон сақлайди. (ғўза тунлами учун) феромон резина трубка бўлагининг ички сатҳи очиқ бўлишига эришиш лозим.

Трубка тешигидан ҳавонинг ўтиб туриши феромоннинг атрофга тарқалишини таъминлайди. Феромонлар сингдирилган резина трубка 1 мм ли сим ёрдамида тутқичнинг марказий қисмига осиб қўйилади. Бу ўринда скрепкадан (қоғоз қистирғич) фойдаланиш ўринлидир. Феромонлар сингдирилган резина трубкани жойлаштиришда горизонтал ҳолатини таъминлашга ҳаракат қилиш керак.

Феромонлар очиқ ҳавода 10-15 кун давомида ўз қучини йўқотади. Шунинг учун уларни оғзи яхши беркитиладиган идишларга солиб уй совутгичларида сақлаш лозим. Совутгичларда сақланган феромонлар 1-1,5 йил давомида ўз қучини йўқотмайди.

Феромон тутқичларини далага ўрнатиш. **Феромон** тутқичлар қўлланиш мақсади ва экин турига қараб турли миқдорда ўрнатилади. Ғўза

экилган майдонларда феромон тутқичлари тунламларининг ривожланишини аниқлаш қашланилади. Шу мақсадда ҳар 4-5 гектар ғўза майдони ҳисобига 1 дона тутқич ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

Ғўза тунлами юқорида таъкидлаб ўтилганидек, асосан ғўзанинг ўсиш нуқтасига тухум қўяди. Демак тутқич айнан капалак тунда учиб юрадиган баландликда жойлашган бўлади. Иккинчи томондан тутқичларнинг юқорида жойланиши унинг ичидаги ҳавонинг осон айланишига, оқибатда феромон ҳидининг яхши тарқалишига имконият яратади.

Ғўза тунламининг феромон тутқичларини ҳар бир вилоят ёки туман шароитига боғлиқ ҳолда, зааркунанданинг биринчи бўғини пайдо бўлиши олдидан ўрнатиш лозим. Бу пайт ғўзанинг ялпи шоналаш даврига, яъни одатда июннинг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Бу даврга кели, ғўза тунлами капалаги ғўза майдонларига учиб ўта бошлайди ва урчиб тухум қўйишга киришади. Ўз вактида ўрнатилган феромон тутқичлари ҳар бир далада капалакнинг пайдобўлиши ҳақида аниқ маълумот бериши кўп йиллик кузатишлар асосида исботланган.

Дала дафтари. Ғўза тунлами учун феромон тутқичларини вабошка турдаги феромон тутқичларини қўллашда аниқ ҳисоб олиб бориш ва барча маълумотларни дафтарга қайд этиш зааркунандага қарши тўғри кураш воситаларини танлашга имконият яратади. Бунда ҳар ғўза майдони учун ёки зааркунандалар бир хилда тарқалган майдонлар учун алоҳида ҳисоб олиб борилади.

Феромон тутқичларига тушган капалак сони ҳар бир бўғиннинг бошланишидан тугашигача ҳар уч кунда бир санаб ёзиб борилади. Капалак учиши ёппасига бошланган қундан бошлаб эса ҳар куни назорат қилиниб, елимли фиксатор янгиланади. Капалакларнинг ёппасига учиш даври тутқичларига 10 ва ундан ортиқ капалак илиниши билан белгиланади. Иккинчи томондан, феромон тутқичларга капалаклар ёпишгач, улар одатда елимдан қутилишга ҳаракат қилишади. Оқибатда елим сатҳи қаттиқ

ифлосланади, елимнинг кучи камайиб, бошқа капалаклар ёпишмай қолишига сабаб бўлади.

Натижада олинган маълумотлар шу даладаги зааркунанда сонини тўғри ифодаламайди. Далада ғўза тунлами ning зичлигини (сонини) ҳар 3-5 кунда бир назорат қилинади. Бунинг учун унинг тухум ва қурти сони Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти тавсияларига қўра, шахмат тартибида даланинг 20 жойидан намуна олиш билан бажарилади. Бунда ҳар бир намунада 5 ўсимлик қўрилади ва қуртлар ёши бўйича 3 гурухга бўлиниб ёзилади. Тадқиқотларимизнинг таҳлили қўйидаги хуласалар ва таклифлар қилишга имкон беради.

1. Ғўза тунлами биринчи бўғинининг ривожланиши даврида тутқичга бир кеча давомида ўрта ҳисобда 2-3та капалак илингандан кейин 5-6 кун ўтгач ҳамда иккинчи ва учинчи бўғинларда 1,5-2 та капалак тутилгандан кейин 3-4 кун ўтгач, далага трихограмма чиқара бошлаш керак. Бу далада ҳар 100 туп ўсимликда ўртacha 2-3 тадан тухум пайдо бўлган пайтга тўғри келади. Биринчи чиқаришдан кейин 6-7 кун ўтгач иккинчи марта ва навбатдагиси чиқарилади.

2. Ҳар бир феромонли тутқичда биринчи ва иккинчи бўғинлардан тун давомида ўрта ҳисобда 15-20 та ва ундан кўпроқ капалак ёки учинчи бўғиндан 5-6 та капалак тутилиши зарракунанда хавфли ҳолатда жуда кўпайиб кетишидан дарак беради, бу майдонларни ҳимоя қилиш чораларини ўтказиш зарурати туғилади. Бироқ бунда қўйидагилар қузатилган бўлиши керак:

А. Жуда кўпайиб кетган (15-20 дан ошган) капалакларнинг илиниши камида 5-6 кун давом этса;

Б. Тун давомида ҳар бир тузоқда 5-6 та капалак тутилиши учинчи бўғин учун жиддий нуфуз ҳисобланади, чунки бу ҳолда зааркунанданинг учинчи бўғинидан ташқари, ғўза тунлами ning олдинги бўғини тухвм ва қуртлари ҳам қўшилиб кетади.

Капсуладаги феромонлар тез буғланиши сабабли, уларни совутгичлар 3-5⁰ ҳароратда зич ёпилган шиша банкаларда, зарқоғоз ёки полиэтилен пакетларда сақланади. Кўлга ва бошқа нарсаларга юқсан елимни ўсимлик мойи билан хўлланган пахта ёки дока тампони билан, шунингдек мойли буёқ учун мўлжалланган кимёвий эритгичлар билан тлзаланади. Ҳашаротли фиксаторлар, шунингдек, феромонли капсулаларни кўмиб юбориш ёки маҳсус ажратилган жойда куйдириш керак.

Ғўза тунламига қарши феромонли тутқичлар қўллаш натижасида трихограмманинг биологик самарадорлиги ошади ҳамда кимёвий ишлов беришлар ҳажми қисқаради. Бу эса ҳар гектар ғўза майдонида мавсумда 8-12 минг сўм харажатни тежаш имконини беради.

Жинсий феромонлардан ўсимликни ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланиш. Зааркунанданинг заарини сезилмайдиган даражага акамайтириш имконини берадиган феромон ишлатиш усуллари мавжуддир. Капалакларни кўпалб тутиш ёки уларни дезодориентация қилиш (чалғитиши) шулар жумласидандир. Феромонли туттқичларда инсектицид аралашмалари ёки стерилазаторлар (бепушт қилиб қўювчилар) қўллаш ва ҳоказолари истиқболлидир.

Эркак капалакларни кўплаб овлаш ва феромонли тузоқларга жалб қилиш орқали уларни урғочилари билан учрашувига йўл қўйилмайди. Эркак капалакларни кўплаб тутибурғочиларнинг маҳсулдорлиги камайиши ва қўйилган тухумлар стериал (пуч) бўлиб қолишига эришилади. (расм).

Бу усулни бирор турга қарши қўллашда бир неча омилларни чунончи капалакларни жойдан-жойга учиб ўтиш қрбилиятларини ҳамда ҳар бир турнинг неча бор жуфтлашиши мумкинлигини ҳисобга олишлозим.

ЎЗЎХИ ходимлари олиб борган маҳсус тадқиқотлар асосида ва уларнинг натижаларини адабиёт манбалари маълумотлари билан таққослаган ҳолда қуйидаги холосага келиш мумкин:

1. Заарали тунламлар ҳамда бошқа зааркунандалар ўртача ва кам нуфузли бўлган йилларда “Эркак капалакларни йиғиш” усули бир вақтнинг ўзида катта майдонларда ишлатилгандагина натижабериш мумкин.
2. Зааркунанданинг ҳар бўғини ривожланишидан 3-5 кун олдин ҳар гектарига 8-12 дона тутқич қўйилади.
3. Фиксаторлар ўз вақтида алмаштирилиб турилади.
4. Тунлам капалакларининг жойдан-жойга кўчиб ўтиш қобилияти юқори бўлганлиги сабабли ҳамда жинсларнинг нисбати 1:1 атрофида бўлганда бу усул заарланадиган экинларни тўла ҳимоя қилинишини таъминлай олмаслиги мумкин. М.А.Булигинскаянинг (1980) маълумотларига кўра, ғўза тунламиининг ҳар бир эркаги икки-тўрт марта жуфтлашиши мумкин. Шундай қилиб, муайян шароитларда ҳамда унга қўйиладиган талаблар аниқ адо этилгандагина самара беради.

Эркак капалакларни дезориентациялаш (чалғитиш) усули анча такомиллашган ҳисобланади. Майдонлар атмосферасини тунламнинг синтетик феромони билан тўйинтиришдан иборат бу усул шу жиҳатдан истиқболлики, у популяция зичлигига кам даражада боғлиқ бўлиб, уни механизациялаш ва айни вақтда катта майдонларда қўллаш имкониятини беради. Феромоннинг ҳаводаги қуюқлиги 10^5 молекулалар cm^3 дозадан юқори бўлганида ҳашаротларни дезориентациялаш яхши натижа бериши тасдиқланган.

Зааркунанда популяциясининг ривожланиши давомида сунъий феромон шундай қуюқликда тутилиши керак. Шунинг учун бу ерда феромоннинг препаратив шаклларини танлаш энг бутун ривожланиш даври давомида моддаларнинг бир меъёрда тўлиқ буғланишини таъмин этмоғи керак. Фероомн ташувчи сифатида ҳар хил материаллардан, жумладан резина халқача, уч қаватли полимер ленталар, фиброкапсулалар ва ҳоказолардан фойдаланилади.

Табиийки, эркак капалакларни дезориентациялаш учун кўп миқдорда феромонлар сарфланади. У шу қадар каттаки, бу усулни амалда қўллаш

муаммо бўлиб қолади. Масалан, И.Я.Гричановнинг (1985) маълумотларига кўра, ғўза тунлами капалакларини дезориентациялаш учун ҳар гектарга 20-25 г феромон талаб этилади. Бу муаллифнинг шундан иборатки, бунда тажриба майдони катта бўлмаган.

Тутқичларда фойдаланиладиган елимли фиксатор ўрнига феромон-стерилиантлар, шунингдек феромон-инсектицид аралашмалари ёрдамида капалкларни қириш усувлари истиқболлари ҳисобланади.

Б. Баклашка тутқичлар Паҳтачиликда ғўзани қўсак қуртидан қисман ҳимоя қилиш мақсадида ҳашарот тутқичларнинг “қўлбола” воситаси – мослаштирилган “баклашкалар” 1995 йиллардан буён ишлатилиб келинмоқда. (расм)

Юқориси кесиб олинган баклашка ғўза шоналашга кирган пайкалга қалин қилиб узун қозиқларга ўрнатилади. Баклашка ичига махсус тайёрланган ачитки эритма қўйилиб, ғўза тунламининг капалакларини жалб этишга мўлжалланади. Феромонли тутқичлардан фарқ қилган ҳолда, бундай тутқичга тунламнинг фақатгина эркак зоти эмас, балки урғочилари ҳам илиниши назарда тутилади.

Бу эса, ўсимликларни ҳимоя қилиш вазифасини тўғридан-тўғри бажаради. Бу усул рационализаторлик таклифи бўлиб, илмий томондан тасдиқланмаган ҳолда жорий этилган эди. Кейинчалик олиборилган илмий тадқиқотларимиздан шу нарса аён бўлдики, баклашка усули олдига қўйилган вазифани тўлиқ бажара олмаган ҳолда, қисман зарари бор.

Яъни унга кўпроқ ўзга ҳашаротлар илиниб (қўнғиз, паشا, капалаклар) тунламлардан эса кўпроқ илдиз кемирувчиларнинг эркак зоти илинган. Ғўза тунламининг капалаклари (эркак ва урғочиси) жуда оз миқдорда (бошқа ҳашаротларга нисбатан 2-11%) илинган. Бундан ташқари илинган ҳашаротларнинг 18-44 %ини фойдали ҳашаротлар (олтинкўз, хонқизи) ташкил этган.

Баклашка усулини жорий этишга анчагина маблағ талаб этилади. Оддийгина ҳисоблаб кўриш шуни кўрсатадики, ҳар 1 баклашкага 100 сўмдан

сарфланганда мавсум мобайнида (3 ойда) 1 гектар ерга 15-16 минг керак бўлади.

Шундай қилиб, илмий нуқтаи назаридан “баклашка” усули ўзини оқламаслиги исботлаб берилди.

В. Электр фотоспектрли тутқич. 2003-2004 йиллари асосан Андижон вилоятининг мутахассислари ва раҳбарияти томонидан Хитой ХДР дан электр фотоспектарли ҳашарот тутқичлари келтирилиб қўлланила бошланди. Расм.

Асосий мақсад – ғўза тунламига (кўсак қуртига) қарши қурашиб учун унинг капалакларини йиғиб ўлдириш. Ушбу тутқичнинг изохини ўқиганингизда ҳақиқатда ҳам бунга амин бўласиз, чунки унда электр ёрдамида ёнадиган махсус лампа бўлиб, унинг шуъласи мақсадга мувофиқ равишда мўлжалланган ҳашаротнигина жалб этиши керак. Аммо амалда ундай бўлиб чиқмади.

Икки йил мобайнида Андижон ва Наманган вилоятларининг далаларида ўтказган махсус кузатувларимиздан шу нарса аён бўлдики, июнь-июль ойларида ҳар бир тутқичга бир кечада 0,5-1,5 кг турли ҳашарот намуналари илинган. Илинган ҳашаротларнинг ичида 13-35 та ғўза тунламининг капалаги бўлса, қолганинг кўп қисмини қўнғизлар, пашшалар, чивин, тўрқанотлилар, парда ва ярим қаттиқ анатлилар ташкил этган. Буларнинг орасида агробиоценозда энтомофаг вазифасини бажарадиган турлари ҳам кам эмас. Маасланинг бошқа томони ҳам аҳамиятлидир. Яъни табиатда турли ўсимлик гуллари айни ҳашаротлар орқали чангланади. Ғўза ҳосилдорлиги ҳам ёввойи ва маданий ариларнинг етарлича бўлганлига боғлиқ. Демак, килограммлаб ҳашаротларни йиғиб ўлдириш табиатни заифлаштириб, ҳосилдорликни пасайтириб юборади.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. Абасов М.М., Атаиов Н.М., Ковалёв Б.Г. и др. Применение феромонов в практике оперативного контроля фитосанитарного состояния подкарантинных объектов //Ж. Защита и карантин растений. - Москва, 2013. - №1. - С. 33-35.
2. Адйшкевич Б.И., Карелий В.Д. Разведение мух-журчалок в лаборатории. - Зоологический журнал, - 1972. - Т.51.-вып. 2.-С. 1395-1398.
3. Адашкевич Б.П. Стандарт на качество трихограмма /Семинар по ЭПВ вредителей хлопчатника и перспективам биометода. - Ташкент: МСХ УзССР, 1979. ~ С. Л-7.
4. Алимухамедов С.Н., Адашкевич Б.П., Адылов З.К., Ходжаев Ш.Т, Биологическая защита хлопчатника (I-Н изд.). - Ташкент: Мехнат, 1989. - 167 с.
5. Бондаренко Н.В. Биологическая защита растений. - М.: Агропромиздат, 1986.-277 с.
6. Хўжаев Ш.Т., Юсупова М., Курязов Ш., Саттаров Н. Кўсак қуртига қарши биологик курашнинг истиқболларий //Ўсимликларни

зааркунанда-лардан химоя қилишда илгор тажриба (мақолалар тўплами). - Тошкеит, 2008. - Б. 44-49.

7. Хўжаев Ш.Т., Саттаров Н., Юсупова М., Юлдашев Ф., Маматов К.Ш. Пестицид ва фойдали ҳашаротлар //Ўсимликларни зааркунандалардан химоя қилишда илгор тажриба (мақолалар тўплами). - Тошкент, 2008. - Б. 55-57.

8. Хўжаев Ш.Т., Юсупова М., Якубжонов О. ва б. Ўзани кўсак куртидан қимоя қилишда феромон тутқичлардан фойдаланиш истиқболлари. - Тошкент: «DS-HAMKOR» МЧЖ, 2008. - 19 б.

9. Хўжаев Ш.Т., Саттаров Н., Юсупова М., Юлдашев Ф. Замонааий инсектицид-акарицидларнинг фойдали ҳашаротлар учун хавфлилиги //АгроИлм журналд. - 2009. - №2. - Б. 32.

10. Хўжаев Ш.Т. Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротбксикология асослари. - Тошкент: Фан, 2010. - 355 б.

11. Хўжаев Ш.Т., Саттаров Н., Шокирова Г., Юлдашев Ф., Мирзаева М., Хакимова С. Ўза тунлами: ҳаёт кечириши, зарари ва унга қарши курашнинг замонавий кўриниши. -Тошкент: МЧЖ “Ёш куч пресс матбуоти”, 2012.-84 б.

12. Юсупова М.Н., Юлдашев Ф., Ходжаев Ш.Т. Биометод для защиты поживных культур //Узбекский биологический журнал. -2011. - №2. - С. 41-43.

13. www.aspirantura.spb.ru

14. www.dic.academic.ru

15. www.dissercat.com

16. www.eurolab.ua

17. www.fialca.ru

18. www.google.co.uz

19. www.naturetm.ucoz.ru

20. www.redbooksam.ru

21. www.tienshan.el.kg

22. www.toptropicals.com
23. www.scientific-web.com
24. www.species.wikimedia.org
25. www.viness.narod.ru
26. www.wikipedia.org
27. www.wikiznanie.ru
28. www.ziyonet.uz